Қавмдошлари ҳадеб залолатга чақиравергач, мўмин киши деди;

**«Эй қавмим, нега мен сизларни нажотга-жаннатга чорласам, сизлар мени дўзахга чақирмоқдасизлар-а?**

**Сизлар мени Аллоҳга коғир бўлишга ва (ўзим илоҳ эканлигини) билмайдиган нарсаларни У зотга шерик қилишга чақирмоқдасизлар. Мен эса сизларни қудратли, бениҳоя мағфиратли зотга чақирмоқдаман».**

- Сизларнинг олиҳаларингиз тарафидан бирон бир пайғамбар келдими? Қайси китоб нозил бўлди? Ким унга даъват қилди. Улар фақат сизлар ҳамда оталарингиз ўзларича тўқиб олган номлар холос. Аллоҳ таоло ҳеч қачон бут-санамлар ҳақида хужжат туширмаган.

Мана бу Иброҳим, Юсуф ва мана бу Аллоҳнинг набийси Мусо... фақат Аллоҳга дават этганлар. Зеро ҳар бир нарса Аллоҳ талонинг борлигига далолат қиласи. Борлиқнинг ҳамма бурчагидан ёлғиз унга даъват келади.

**«Шак-шубҳа йўқки, албатта сизлар мени (ибодат қилишига) чақираётган бутларингиз (жонсиз нарсалар бўлгани сабабли) на дунёда ва на охиратда (бирон кимсани ўзларига ибодат қилиши учун) даъват қила олмас».**

Қавмининг ҳидоятга келишидан буткул ноумид бўлиб, уларни беақлликларидан зериккан мўмин киши уларни тарқ қиласи. Ва дедики:

«Хали (бошларингизга азоб тушганида албатта ҳозир) мен сизларга айтаётган сўзларни эслайсизлар. Мен ўз ишимни Аллоҳга топшиурман. Зоро, Аллоҳ бандаларини кўриб тургувчиdir».

Дарғазаб бўлган Фиръавн малайлари мўминни ўлдиришга қарор қилдилар.

Лекин Аллоҳ таоло уни сақлаб қолди. Душманларини эса ҳалок қилди.

**«Бас, Аллоҳ у (иймон келтирган киши)ни уларнинг макр-хийлаларидан сақлади ва Фиръавн хонадонини ёмон азоб ўраб олди».**

### 3

#### زوجة فرعون

وَكَانَ فِرْعَوْنُ يَعْتَقِدُ أَنَّهُ مَلِكُ الْعُقُولِ كَمَا أَنَّهُ مَلِكُ الْأَجْسَامِ وَأَنَّ لَهُ سُلْطَانًا عَلَى الْقُلُوبِ كَمَا أَنَّ لَهُ سُلْطَانًا عَلَى الْأَلْسِنَةِ وَلَيْسَ لِأَحَدٍ فِي مِصْرَ أَنْ يَعْتَقِدُ شَيْئًا أَوْ يُؤْمِنَ بِشَيْءٍ إِلَّا بِإِذْنِهِ وَكَانَ إِذَا آمَنَ أَحَدٌ بِمُوسَى فِي أَقْصَى مَمْلَكَةِ مِصْرَ جُنُونُ فِرْعَوْنَ وَقَامَ فِرْعَوْنُ وَقَعَدَ وَبَرَقَ فِرْعَوْنُ وَرَعَدَ وَقَالَ كَيْفَ يَكُونُ لَهُ أَنْ يُؤْمِنَ بِمُوسَى قَبْلَ أَنْ آذَنَ لَهُ؟! يَعِيشُ فِي مَمْلَكَتِي وَيَعْصِينِي، وَيَأْكُلُ رِزْقِي وَيَكْفُرُنِي؟! أَنَا أَوْلَى بِكُلِّ رَجُلٍ فِي مِصْرَ مِنْ نَفْسِهِ! وَيَنْسَى فِرْعَوْنُ أَنَّهُ يَعِيشُ فِي مَمْلَكَةِ اللَّهِ وَيَعْصِيهِ وَيَأْكُلُ رِزْقَ اللَّهِ وَيَكْفُرُ بِهِ وَأَرَاهُ اللَّهُ آيَةً فِي بَيْتِهِ، آيَةً فِي أَهْلِهِ أَرَاهُ اللَّهُ أَنَّهُ مَلِكُ الْعُقُولِ كَمَا أَنَّهُ مَلِكُ الْأَجْسَامِ وَأَنَّ لَهُ سُلْطَانًا عَلَى الْقُلُوبِ كَمَا أَنَّ لَهُ سُلْطَانًا عَلَى الْأَلْسِنَةِ وَأَنَّ اللَّهَ يَحُولُ بَيْنَ الرَّجُلِ وَأَهْلِهِ وَأَنَّ اللَّهَ يَحُولُ بَيْنَ الْمَرْءِ وَQَلْبِهِ دَخَلَ الْإِيمَانُ فِي بَيْتِ فِرْعَوْنَ وَهُوَ لَا يَشْعُرُ وَلَا يَمْلِكُ شَيْئًا وَآمَنَتْ امْرَأَةُ فِرْعَوْنَ بِاللَّهِ وَكَفَرَتْ بِفِرْعَوْنَ وَآمَنَتْ بِمُوسَى عَلَى رَغْمِ زُوْجِهَا مَلِكِ مِصْرَ آمَنَتْ بِمُوسَى أَعْلَمُ خَلْقِ اللَّهِ بِفِرْعَوْنَ وَأَحَبَّ النَّاسِ إِلَيْهِ وَلَمْ يَصْنَعْ شُرْطَةً فِرْعَوْنَ شَيْئًا وَلَمْ يَشْعُرُوا بِذَلِكَ وَلَهُمْ شَامَةُ النَّمْلِ وَعُيُونُ الْعَرَابِ وَلَمْ يَشْعُرُ بِذَلِكَ فِرْعَوْنُ وَهُوَ أَقْرَبُ النَّاسِ إِلَيْهَا وَلَوْ عَلِمَ ذَلِكَ فِرْعَوْنُ مَاذَا فَعَلَ؟ إِنَّهُ يَمْلِكُ الْجِسْمَ وَلَكِنَّهُ لَا يَمْلِكُ الْعَقْلَ وَإِنَّ لَهُ سُلْطَانًا عَلَى الْلِّسَانِ وَلَيْسَ لَهُ عَلَى الْقَلْبِ سُلْطَانًا

عَلَى الْمَرْأَةِ أَنْ تُطِيعَ زَوْجَهَا وَلَكِنْ لَا طَاقَةَ لِمَخْلُوقٍ فِي مَعْصِيَةِ الْخَالِقِ. عَلَى الْوَالِدِ أَنْ يُطِيعَ أَبَوِيهِ وَأَنْ يَكُونَ بِهِمَا بَارَّاً رَشِيدًا وَلَكِنْ لَيْسَ لَهُ أَنْ يُطِيعَهُمَا فِي الشَّرِّ.

(وَإِنْ جَاهَدَاكَ عَلَى أَنْ تُشْرِكَ بِي مَا لَيْسَ لَكَ بِهِ عِلْمٌ فَلَا تُطِعْهُمَا وَصَاحِبُهُمَا فِي الدُّنْيَا مَعْرُوفٌ وَاتَّبِعْ سَبِيلَ مَنْ أَنَابَ إِلَيَّ ثُمَّ إِلَيَّ مَرْجِعُكُمْ فَأُنَبِّئُكُمْ بِمَا كُنْتُمْ تَعْمَلُونَ) {لقمان - 15}.

وَاسْتَقَامَتْ امْرَأَةٌ فِرْعَوْنَ عَلَى الْإِيمَانِ، وَكَانَتْ تَعْبُدُ اللَّهَ فِي بَيْتِ عَدُوِّ اللَّهِ. وَكَانَتْ تَحَافُ اللَّهَ وَتَتَبَرَّأُ إِلَى اللَّهِ مِمَّا يَعْمَلُ فِرْعَوْنُ. وَرَضِيَ اللَّهُ عَنِ امْرَأَةٍ فِرْعَوْنَ وَأَنْجَاهَا اللَّهُ مِنْ فِرْعَوْنَ وَعَمَلَهُ وَضَرَبَهَا اللَّهُ مَثَلًا لِلْمُؤْمِنِينَ لِإِيمَانِهَا وَشَجَاعَتِهَا.

(وَضَرَبَ اللَّهُ مَثَلًا لِلَّذِينَ آمَنُوا امْرَأَةَ فِرْعَوْنَ إِذْ قَالَتْ رَبُّ ابْنِ لَيْ عِنْدَكَ بَيْتًا فِي الْجَنَّةِ وَنَجِّنِي مِنْ فِرْعَوْنَ وَعَمَلِهِ وَنَجِّنِي مِنْ الْقَوْمِ الظَّالِمِينَ) {التحريم - 11}.

### 3

## Фиръавннинг хотини

Ўзини ақлларга ҳам, қалбларга ҳам - худди жасад ва тилларга ҳукмрон бўлгани каби ҳоким ҳисоблайдиган Фиръавн Мисрда бирон кишининг ундан бошқага иймон келтиришини тасаввур қила олмасди.

Агар Миср мамлакатининг узок чеккасидаги бир киши Мусо алайҳиссаломга иймон келтирса, ўша куни Фиръавннинг жиннилиги қўзиб кетар эди.

Гоҳ ўтириб, гоҳ туриб, момақалдироқдек гулдираб, яшиндек чақнаб ёниб безовта бўларди.

- Қандай қилиб мендан бесўроқ Мусога иймон келтиради?!

- Менинг мамлакатимда яшаб туриб менга бўйсунмаса! Мен берган ризқ-неъматларни еб, яна менга куфрони неъмат қилсаня!

- Ахир, Мисрдаги ҳар бир кишига ўзидан ҳам кўра мен ҳақдорроқ эмасманми?!

Лекин Фиръавн ўзининг Аллоҳ ерида яшаб туриб у зотга исён қилаётганини ўйламасди. Аллоҳ берган ризқ-рўзни еб, сўнг яна унга куфр келтираётганини унутиб қўйган эди.

Аллоҳ таоло унга ўз уйида, аҳли оиласида бир оят-аломат кўрсатиб қўйди.

Аллоҳ таоло ақлларга ҳам, қалбларга ҳам - худди жасад ва тилларга ҳукмрон бўлгани каби ҳоким эканлигини намоён қилди.

Аллоҳ таоло агар хоҳласа киши билан аҳли оиласи ўртасини ажратиб қўяди. Хоҳласа инсон билан унинг қалби орасига тўсик ташлайди!

Иймон Фиръавн хонадонига ҳам кириб келди. Фиръавннинг ўзи ҳали ҳеч нарсадан хабарсиз эди. Унинг қўлидан бирон иш келмасди.

Эри Миср мамлакатининг сultonи бўлишига қарамасдан Фиръавннинг аёли Мусога иймон келтирди.

Фиръавннинг энг суюкли ва энг яхши билувчи кишиси унинг Парвардигорлик даъвосини рад этди.

Бу ерда шоҳнинг чумолидек сезгир, қарғадек ўткиркўз жаллодлари ҳам ожиз қолдилар. Улар ҳеч нарсани сезмадилар.

Энг яқин кишисининг Аллоҳга иймон келтирганидан Фиръавн ҳануз бехабар эди.

Хўш, агар хабар топганида нима қила оларди?

Чунки унинг ҳукми жисмга ўтиши мумкин, тилларга тушов солиши мумкин. Лекин, ақлларга ва қалбларга асло ҳукмронлик қила олмайди.

Тўғри, аёл эрига итоат этиши керак. Лекин, Аллоҳга исён бўладиган ишларда маҳлуқга итоат қилинмайди.

Фарзанд ота-онасига қулок солмоғи, уларга меҳрибон-мушғиқ бўлмоғи лозим.

Факат агар улар ширкка даъват қилсалар, сўзлари эътиборга олинмайди.

**«Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишига буюрдик** (*яъни ота-она хоҳ яхии, хоҳ ёмон бўлсин, хоҳ мусулмон, хоҳ кофир бўлсин уларга яхшилик қилиши фарзанднинг бурчидир, аммо*) агар улар сен ўзинг билмаган нарсаларни (*яъни сохта «худо» ларни*) менга шерик қилишинг учун зўрласалар, у ҳолда уларга итоат этмагин! (*Барчангиз*) менга қайтурсиз, бас (*ана ўша кунда*) мен сизларга қилиб ўтган амалларингизнинг хабарини берурман».

Иймон неъматига мушаррар бўлган аёл Аллоҳ душманининг уйида туриб Аллоҳга ибодат қила бошлади.

У Фиръавннинг ярамас кирдикорларидан ўзини йироқ қилиб, Аллоҳга илтижолар қилиб талпинар эди.

Аллоҳ таоло Фиръавннинг аёлидан рози бўлди ва уни эри ҳамда унинг ёмон амалларидан қутқарди.

Бу аёл иймони ва шижаоти учун Куръонда барча мўминларга намуна қилиб Аллоҳ зарбул масал қилди.

**«Аллоҳ иймон келтирган зотлар** (*ва улар ўзлари ҳақиқий мўмин бўлсалар, яқин одамларининг кофир ҳолда бўлиши уларга зиён қилмаслиги*) ҳақида **Фиръавннинг аёlinи мисол келтирди.** Ўшанда (*яъни Фиръавн у аёлнинг Мусо пайгамбарга иймон келтирганини билиб қолгач азоблаган чогида*) у: **«Парвардигорим ўзинг мен учун ҳузурингда - жаннатда бир уй бино қилгин, менга Фиръавн ва унинг қилмишидан нажот бергин ва менга бу золим қавмдан нажот бергин», деди».**

## محنة بني إسرائيل

وَلَمَّا عَلِمَ النَّاسُ عَدَاوَةَ فِرْعَوْنَ لِبْنِي إِسْرَائِيلَ تَقَرَّبُوا إِلَى فِرْعَوْنَ بَعْدَ اؤْتِهِمْ وَإِيذَانِهِمْ. وَاجْتَرَأَ عَلَى بَنِي إِسْرَائِيلَ لِأَطْفَالٍ وَهَرَبَتْهُمُ الْكِلَابُ. فَفِي كُلِّ يَوْمٍ مِحْنَةٌ حَدِيدَةٌ! وَفِي كُلِّ يَوْمٍ يَلِيَّةٌ نَازِلَةٌ. وَمُوسَى عَلَيْهِ الصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ يُسَلِّيهِمْ وَيُوَصِّيهِمْ بِالصَّبَرِ، وَيَقُولُ لَهُمْ:

(استَعِينُوا بِاللهِ وَاصْبِرُوا إِنَّ الْأَرْضَ لِلَّهِ يُورِثُهَا مَنْ يَشَاءُ مِنْ عِبَادِهِ وَالْعَاقِبةُ لِلْمُسْتَقِينَ) {الأعراف -

. 128.

وَسَيِّئَمْ بَنُو إِسْرَائِيلَ هَذِهِ الْمِحْنَةُ وَهَذَا الْأَذَى وَقَالُوا لِمُوسَى: لَمْ تَنْفَعْنَا شَيْئًا! لَمْ تُعْنِ عَنَّا شَيْئًا! (قالُوا أُوذِينَا مِنْ قَبْلٍ أَنْ تَأْتِنَا وَمِنْ بَعْدِ مَا جَهْنَمْ) {الأعراف - 129}. ولَكِنَّ مُوسَى لَمْ يَجْزِعْ! ولَكِنَّ مُوسَى لَمْ يَيَأسْ! (قالَ عَسَى رَبُّكُمْ أَنْ يُهْلِكَ عَدُوَّكُمْ وَيَسْتَخْلِفُكُمْ فِي الْأَرْضِ فَيَنْظُرْ كَيْفَ تَعْمَلُونَ) {الأعراف - 129}. (وقَالَ مُوسَى يَا قَوْمِ إِنْ كُنْتُمْ آمِنْتُمْ بِاللهِ فَعَلَيْهِ تَوَكَّلُوا إِنْ كُنْتُمْ مُسْلِمِينَ، فَقَالُوا عَلَى اللهِ تَوَكَّلْنَا لَا تَجْعَلْنَا فِتْنَةً لِلْقَوْمِ الظَّالِمِينَ \* وَنَجْنَّا بِرَحْمَتِكَ مِنَ الْقَوْمِ الْكَافِرِينَ) {يونس - 84-86}.

وَكَانَ فِرْعَوْنُ يَمْنَعُ بَنِي إِسْرَائِيلَ مِنْ عِبَادَةِ اللهِ، وَيَعْضَبُ إِذَا رَأَاهُمْ يَعْبُدُونَ اللهَ وَيُصَلُّونَ لَهُ. وَكَانَ يَمْنَعُهُمْ مِنْ أَنْ يَتَحَدِّدوا مَسَاجِدَ اللهِ فِي أَرْضِهِ، وَكَانَ يَعْضَبُ أَنْ يُعْبَدَ اللهُ فِي أَرْضِهِ.

مَا أَجْهَلَ فِرْعَوْنَ! الْأَرْضُ لِلَّهِ لَا لِفِرْعَوْنِ! وَمَنْ أَظْلَمُ مِمَّنْ مَنَعَ عِبَادَ اللهِ أَنْ يَعْبُدُوا اللهَ عَلَى أَرْضِ اللهِ؟! وَمَنْ أَظْلَمُ مِمَّنْ دَعَا إِلَى عِبَادَتِهِ عَلَى أَرْضِ اللهِ؟! ولَكِنَّ فِرْعَوْنَ مَا كَانَ يَقْدِرُ أَنْ يَمْنَعَ أَحَدًا يَفْعَلُ مَا يَشَاءُ فِي بَيْتِهِ! فَأَمَرَ اللهُ بَنِي إِسْرَائِيلَ عَلَى لِسَانِ مُوسَى:

(وَاجْعِلُوا يُبُوتَكُمْ قِبْلَةً وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ) {يونس - 87}. وَعَجَزَ فِرْعَوْنُ وَعَجَزَتْ شُرُطَتُهُ أَنْ يَحُولُوا بَيْنَ بَنِي إِسْرَائِيلَ وَعِبَادَةِ اللهِ! وَمَنْ يَحُولُ بَيْنَ الْعَبْدِ وَرَبِّهِ؟! وَمَنْ رَسُولُ بَيْنَ الْمُسْلِمِ وَعِبَادَةِ اللهِ؟!

## **Бани Исроилнинг бало-синовга солиниши**

Бани Исроилга нисбатан Фиръавннинг адоватини кўрган халқ ҳам Исроил фарзандларига зулм-зўравонлик қилишда Фиръавнга яқинлашдилар.

Хатто ёш болалар Исроил фарзандларини сўкар, маҳалла итлари эса олдига солиб қувлар эди.

Ҳар куни янги бир бало, ҳар куни ташвишли бир хабар Бани Исроил бошида ҳозиру нозир бўларди.

Мусо алайҳиссалом қавмини сабр қилишга чорлаб тасалли берар эди;

- «(Эй қавмим) Аллоҳдан мадад тилаб, сабр-тоқат қилингиз! Бу ер шак-шубҳасиз Аллоҳницидир. Уни ўзи хоҳлаган бандаларига мерос қилиб берур. Оқибат-натижага эса тақводорларники бўлур».

Лекин Бани Исроил бу синов ва қийинчиликни ёмон қабул қилди. Улар Мусо алайҳиссаломга «Сен бизга ҳеч қандай фойда беролмадинг. Бизга ёрдаминг тегмади» дея маломат қилишди.

**«Улар айтдилар: «Сен бизга (пайғамбар бўлиб) келишингдан илгари ҳам (яъни ўшанда ҳам Фиръавн ўғилларимизни ўлдириб, аёлларимизни тирик қолдириб, зулм қилган эди), Сен келганингдан кейин ҳам озор кўрдик».**

Фақат Мусо алайҳиссалом бесабрлик ҳам қилмади умидсизликка тушмади ҳам.

**«У (Мусо) деди: «Шояд Парвардигорингиз душманларингизни ҳалок этиб, сизларни бу ерга халифа қиласа ва қандай амаллар қилишингизни кўрса».**

**«Эй қавмим, агар Аллоҳга иймон келтирап экансизлар, демак мусулмон бўлсангизлар, Унинг ўзигагина суянинглар-таваккул қилинглар!»**

**«Бас, улар айтдилар: «Аллоҳнинг ўзига таваккул қилдик. Парвардигоро, бизларни бу золим қавмга мафтуналданувчи қилиб қўйма. Ва ўзинг раҳм айлаб бизларни бу кофир қавмдан қутқар».**

Фиръавн Бани Исроилни Аллоҳга ибодат қилишдан қаттиқ қайтарар, агар улар ибодат этсалар ғоятда дарғазаб бўлар эди.

У Аллоҳнинг ерида масжидларнинг Аллоҳ учун бўлишини хоҳламасди. Аллоҳнинг ерида Аллоҳга ибодат қилинса ғазаби келарди?!

Фиръавн бу даражада нодон бўлмаса?!

Ахир ер - Фиръавнники эмас - Аллоҳнинг мулки-ку!?

Аллоҳнинг қулларини Аллоҳнинг ерида Аллоҳга ибодат қилишдан тўсган кимсадан ҳам золимроқ ким бор?!!

Аллоҳ ерида туриб бандаларни ўзига ибодат қилишга чақираётган кимса энг золим кимса эмасми?!!

Лекин, Фиръавн барибир ожиз қолди. У ҳеч кимни ўз уйида хоҳлаган ишини қилишдан қайтара олмасди.

Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссалом орқали Бани Исроилга қуидагича амр этди;

**«Бу уйларингизни қибла-намозгоҳ қилиб (у уйларда) намозни тўкис адо қилинглар».**

Фиръавн ҳам, унинг жаллодлари ҳам Бани Исроилни Аллоҳ ибодатидан тўса олмади.

Ахир banda билан унинг Парвардигори ўртасини тўсиб бўларканми?! Мусулмонни Аллоҳ ибодатидан ким тўса олади?!

## المجاعات

وَلَمَّا طَغَى فِرْعَوْنُ وَأَصْرَفَ فِي الْعَفْلَةِ وَالْعِنَادِ أَرَادَ اللَّهُ أَنْ يُنْبَهُهُ. إِنَّ اللَّهَ لَا يَرْضَى لِعِبَادِهِ الْكُفْرَ! إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ الْفَسَادَ فِي الْأَرْضِ!

وَكَانَ فِرْعَوْنُ بِلِيدًا جَدًّا، ضَاعَتْ فِيهِ الْحِكْمَةُ وَالْمَوْعِظَةُ. وَالْحِمَارُ لَا يَتَبَهَّهُ حَتَّى يُضَرَّبَ!  
فَأَرَادَ اللَّهُ أَنْ يُنْبَهَهُ! وَمِصْرُ بِلَادُ مُخْصِبَةٍ خَضْرَاءُ، بِلَادُ الْخَيْرَاتِ وَالْأَثْمَارِ وَبِلَادُ الْحُبُوبِ. وَقَدْ عَلِمْتُمْ كَيْفَ أَنْجَدَتْ مِصْرُ بِلَادًا بَعِيدَةً أَيَّامَ الْمَجَاعَةِ فِي عَهْدِ يُوسُفَ عَلَيْهِ السَّلَامُ. وَكَيْفَ أَنْجَدَتْ مِصْرُ أَهْلَ الشَّامِ وَأَهْلَ كَنْعَانَ! وَالنَّيلُ هُوَ الَّذِي يُرْوِي أَرْضَ مِصْرَ وَيَسْقِي زُرْوَعَهُمْ. وَهُوَ مَنْبِعُ السَّعَادَةِ وَالْخَيْرِ فِي مِصْرَ.  
وَكَانَ فِرْعَوْنُ وَأَهْلُ مِصْرَ يَطْلُونَ أَنَّ النَّيلَ هُوَ مِفْتَاحُ الرِّزْقِ. وَأَنَّ مِصْرَ غَنِيَّةٌ بِالنَّيلِ عَنِ الْمَطَرِ وَعَنْ كُلِّ شَيْءٍ. وَلَا يَعْلَمُونَ أَنَّ اللَّهَ عِنْدَهُ مَفَاتِيحُ الرِّزْقِ. وَأَنَّ اللَّهَ يَسْطُطُ الرِّزْقَ لِمَنْ يَشَاءُ وَيَقْدِرُ. وَأَنَّ النَّيلَ يَحْرِي بِأَمْرِهِ وَيَفِيضُ بِأَمْرِهِ. وَأَمْرَ اللَّهِ النَّيلَ فَعَاضَ مَا وُهُ وَذَهَبَ فِي الْأَرْضِ. فَمَاذَا يُرْوِي زُرْوَعَ أَهْلِ مِصْرَ؟! نَقَصَتْ ثَمَرَاتُهُمْ وَنَقَصَتْ حُبُوبُهُمْ وَكَانَتْ مَجَاجَةُ بَعْدَ مَجَاجَةِ!

وَعَجَزَ فِرْعَوْنُ وَعَجَزَ هَامَانُ وَعَجَزَتْ شُرْطَةُ فِرْعَوْنَ عَنْ كُلِّ حِيلَةٍ. هُنَالِكَ عَلِمَ أَهْلُ مِصْرَ أَنَّ فِرْعَوْنَ لَيْسَ رَبَّهُمْ، وَأَنَّ الرِّزْقَ بِيَدِ اللَّهِ! وَلَكِنَّ ذَلِكَ لَمْ يَنْفَعْ فِرْعَوْنَ، وَلَمْ يَنْفَعْ أَهْلُ مِصْرَ وَلَمْ يُنْبَهُمْ!  
وَحَالَ الشَّيْطَانُ بَيْنَهُمْ وَبَيْنَ الْمَوْعِظَةِ وَالْعِبْرَةِ. قَالُوا هَذِهِ الْمَجَاجَاتُ وَهَذِهِ السُّنُونُ مِنْ شُؤُمِ مُوسَى وَقَوْمِهِ! يَا لِلْعَجَبِ! أَلَمْ يَكُنْ مُوسَى مِنْ قَبْلِ؟! أَلَمْ يَكُنْ بَنُو إِسْرَائِيلَ مُنْدُ زَمِنٍ بَعِيدٍ؟! بَلْ ذَلِكَ مِنْ شُؤُمِ أَعْمَالِهِمْ! بَلْ ذَلِكَ مِنْ شُؤُمِ كُفَّرِهِمْ!

وَعَانَدَ فِرْعَوْنُ وَقَوْمُهُ وَقَالُوا إِنَّا لَا نَخْضَعُ لِهَذَا السَّحْرِ.

(وَقَالُوا مَهْمَا تَأْتِنَا بِهِ مِنْ آيَةٍ لِتَسْحِرَنَا بِهَا فَمَا نَحْنُ لَكَ بِمُؤْمِنِينَ) {الأعراف - 132}.

Фиръавн түгёнга келиб ғафлат ва қайсарлигида қаттиқ туриб олгач, Аллоҳ таоло унга ўзини ўнглаб олиши учун танбех бермоқни ирода қилди.

У зот бандаларининг кофир ҳолда юришлариға асло рози бўлмас!

Аллоҳ таоло ер юзида фасоднинг ёйилишини яхши кўрмайди.

Фиръавн жуда нодон подшоҳ бўлганлигидан панд-насиҳатлар унга таъсир қилмасди.

Эшак то урмагунингизча ўз холатини ўзгартирмай ётаверади.

Аллоҳ таоло Фиръавнни ғафлат уйқусидан қўзғатмоқни ирода этди.

Миср ям-яшил диёр! У турли лазиз мевалар, дон-дунларга бой ўлка.

Юсуф алайҳиссалом замонидаги очарчилик йилларида узок ўлкалар хусусан Шом ва Канъон аҳолиси Мисрдан дон ташиб кун кечирганларини яхши биласиз.

Нил дарёси Миср ерларини сугориб, экинларни сув билан таъминлаб туради.

У Мисрда саодат ва хайр булоғи ҳисобланади.

Фиръавн ва бутун Миср аҳли Нилни ризқ-рўз калити деб билишарди.

Мана шу серсув дарё туфайли мисрликлар ёмғир суви ва бундан бошқа нарсалардан беҳожатдирлар.

Инсонлар аслида ризқ-рўз калитлари Аллоҳ ҳузурида эканлигидан ғофилдирлар.

Зеро У зот ўзи хоҳлаган бандасига мўл-кўл ризқ бериб неъматлантиради. Аллоҳ кимгадир кам, кимгадир кўп ризқ ато қиласи.

Нил ҳам Унинг амри билан қирғокларидан тошиб оқади.

Аллоҳ таоло Нилга қуримоқликни амр этди.

Нил суви ерга сингиб кетди.

Энди Миср аҳолисининг экин-тикини қаердан сув ичади?!

Ҳосилдан барака кетди. Ҳирмон тўлмади. Натижада очлик кетидан очлик бошланди.

Фиръавн ҳам, Ҳомон ҳам нима қилишни билмай ҳайрон эди. Фиръавн миршаби ҳам очарчилик қархисида ожиз қолганди.

Миср аҳолиси Фиръавннинг ҳеч қанақа илоҳлари эмаслигини ва ризқ-рўз бериш ёлғиз Аллоҳ ихтиёрида эканини англай бошладилар.

Лекин бу на Фиръавнга ва на Миср аҳлига бирон фойда бермади.

Улар ўзларини ўнглаб олмадилар, ғафлат уйқусидан бош кўтармадилар. Шайтон Миср аҳлини мавъизага кар, ибрат олишдан кўр қилиб қўйганди.

Мисрликлар мана шу очарчиликка Мусо ва унинг қавмининг шум қадами сабаб бўлди, деб айтдилар!

Во ажабо! Ахир Мусо Мисрга кеча келгани йўқ эди-ку!

Бани Исроил ҳам узоқ йиллардан буён шу ерда яшаб келарди-ку!

Йўқ! Бу балолар Мусо ва унинг қавмининг шум қадамлигидан эмас, балки Миср аҳолисининг машъум қилмишлари-ю куфру исён ботқоғига ботганлиги сабабданdir.

Фиръавн ва унинг қавми ҳануз ўзларининг куфроний қайсарлигидан кечмаганди. Биз ушбу сеҳрга бўйин эгмаймиз, дейишар эди.

**«Улар (Мусога): «Бизларни сеҳрлаш учун қандай оят-мўъжиза келтирсанг ҳам биз сенга ҳаргиз иймон келтиргувчи эмасмиз», дедилар».**

## 6

## خمس آيات

وَبَعَثَ اللَّهُ عَلَيْهِمْ آيَةً أُخْرَىٰ . أَرْسَلَ عَلَيْهِمُ الْأَمْطَارَ، فَفَاضَ النَّيلُ . وَأَمْطَرَتِ السَّمَاءُ وَأَمْطَرَتْ وَأَمْطَرَتْ وَأَمْطَرَتْ . حَتَّىٰ غَرَقَتِ الزُّرُوعُ وَالْحُقُولُ، وَتَلَقَّتِ الْحُبُوبُ وَالشَّامَارُ . وَعَادَ الْمَطَرُ عَلَيْهِمْ وَبَالًا . وَيَبْيَنُمَا هُمْ يَشْكُونَ قِلَّةَ الْمَاءِ إِذَا هُمْ يَشْكُونَ كَثْرَةَ الْمِيَاهِ . ثُمَّ أَرْسَلَ عَلَيْهِمُ الْجَرَادَ يَأْكُلُ الزُّرُوعَ وَالْحُقُولَ وَيَقْعُدُ عَلَى الأَشْجَارِ فَلَا يَذْرُ مِنْهَا شَيْئًا . وَعَجَزَتْ جُنُودُ فِرْعَوْنَ وَشُرُطَتْهُ عَنْ قِتَالِ جُنْدِ اللَّهِ . وَكَيْفَ يُقَاتِلُونَهُ وَلَا تَعْمَلُ فِيهِ السُّيُوفُ وَلَا تَعْمَلُ فِيهِ السَّهَامُ .

هُنَالِكَ عَلِمَ أَهْلُ مِصْرَ ضَعْفَ فِرْعَوْنَ، وَعَجَزَ هَامَانَ، وَقِلَّةُ حِيلَةِ الشُّرُطَةِ . وَلَكِنَّهُمْ لَمْ يَعْتَبِرُوا! وَلَكِنَّهُمْ لَمْ يَتَبَنَّهُوا! فَبَعَثَ اللَّهُ عَلَيْهِمْ جُنْدًا آخَرَ، ذَلِكَ هُوَ الْقُمَلُ . وَتَسْلَطَ عَلَيْهِمُ الْقُمَلُ، فَالْعِيَادُ بِاللَّهِ! الْقُمَلُ فِي الْفِرَاشِ، وَالْقُمَلُ فِي الثِّيَابِ، وَالْقُمَلُ فِي الرَّأْسِ، وَالْقُمَلُ فِي الشَّعْرِ .

فَطَارَ نَوْمُهُمْ وَبَاتُوا يَقْصَعُونَ الْقُمَلَ وَيَسْبُونَهُ، حَتَّىٰ يُصْبِحُوا . وَكَيْفَ يُقَاتِلُونَهُ وَالْقُمَلُ لَا تَعْمَلُ فِيهِ السُّيُوفُ وَلَا تَعْمَلُ فِيهِ السَّهَامُ، وَلَا يُنْجِدُهُمْ فِي ذَلِكَ جُنُودُهُمْ وَشُرُطَتْهُمْ . ثُمَّ بَعَثَ اللَّهُ عَلَيْهِمُ الضَّفَادِعَ، فَفِي الطَّعَامِ ضَفَادِعُ، وَفِي الشَّرَابِ ضَفَادِعُ، وَبَيْنَ مَلَابِسِهِمْ ضَفَادِعُ . وَسَيَمُوا هَذِهِ الضَّفَادِعَ وَتَنَعَّصُ عَيْشُهُمْ . وَانْتَشَرَتِ الضَّفَادِعُ وَفَشَتْ فِي جَمِيعِ أَنْحَاءِ الْبَيْتِ . تِلْكَ تَقْرُ وَهَذِهِ تَبِعُهُنَا وَتِلْكَ تَفْغِرُ هُنَاكَ . وَلَا يَقْتُلُونَ وَاحِدَةً إِلَّا وَتَأْتِي عَشْرٌ وَلَا يُخْرِجُونَ وَاحِدَةً إِلَّا وَتَظَهَرُ خَمْسٌ كَانَهَا ثُولَدُ فِي الْبَيْتِ .

عَجَزَتِ الْحُرَاسُ وَعَجَزَتِ الشُّرُطَةُ عَنِ الضَّفَادِعِ . وَبَعَثَ اللَّهُ عَلَيْهِمْ آيَةً خَامِسَةً، ذَلِكَ هُوَ الدَّمُ . فَسَالَ الرُّعَافُ مِنْ آنَافِهِمْ وَضَعَفُوا وَتَعْبُوا جِدًا . وَعَجَزَ الْأَطْبَاءُ عَنِ الْعِلاجِ وَلَمْ يَنْفَعُهُمْ دَوَاءُ . وَكُلُّمَا رَأَوْا آيَةً قَالُوا لِمُوسَى: ادْعُ لَنَا رَبَّكَ أَنْ يَكْسِفَ عَنَّا الْبَلَاءَ وَتُنَوِّبَ وَتُؤْمِنَ وَتُرْسِلَ مَعَكَ بَنِي إِسْرَائِيلَ .

فَلَمَّا كَشَفَ اللَّهُ عَنْهُمُ الْبَلَاءَ نَكَثُوا عَهْدَهُمْ . (فَأَرْسَلْنَا عَلَيْهِمُ الطُّوفَانَ وَالْجَرَادَ وَالْقُمَلَ وَالضَّفَادِعَ وَالدَّمَ آيَاتٍ مُفَصَّلَاتٍ فَاسْتَكَبَرُوا وَكَانُوا قَوْمًا مُجْرِمِينَ) {الأعراف - 133} .

**6****Беш оят-аломат**

Аллоҳ таоло уларга кетма-кет балолар юбора бошлади.

Парвардигор улар устига сув балосини юборди. Осмондан ёмғир қуиди. Нил тўлиб тошди. Осмондан ёмғир ёғаверди, ёғаверди, ёғаверди. Экин майдонлари ва далаларни сув босди. Дон ва меваларга қаттиқ талофат етди. Аслида раҳмат бўлган ёмғир уларга бало бўлиб келганди. Авваллари мисрликлар қурғоқчиликдан шикоят қилган бўлсалар, энди сув тошқинидан нолир эдилар.

Сўнг улар устига чигирткаларни юборди. Мўр-малаҳдай бостириб келаётган тўлқин ҳеч нарсани қолдирмай екинлар ва дарахтларни еб, йўлда давом этар эди.

Фиръавн қўшинлари Аллоҳ қўшини олдида ожиз қолиши. Ахир улар чигирткаларга қарши қандай ҳам жанг қилсинлар?!

Чигирткага найза санчиб, уларга қарши қилич қўтариш ҳам бефойда эди.

Хозир яна бир бор барчанинг кўз олдида Фиръавннинг заифлиги, Ҳомоннинг ожизлиги ва миршабларининг ҳийласи озлиги очиқ кўриниб қолди. Лекин Миср аҳли ҳали ҳам бу балолардан ибрат олмасдилар. Гафлат уйқусида тош қотиб ётар эдилар.

Аллоҳ улар устига яна бир қўшин юборди. Бу сон-саноқсиз битлар лашкари эди. Мисрнинг ҳамма ёғини бит босиб кетди. Тўшакларда, кийимларда битлар ғужғон ўйнарди. Сочлар, баданлар битлар билан тўлди.

Фиръавн қавми тун бўйи ухламасдан қашланиб, тирноқлари билан тонггача бит ўлдириб, сўкиб чиқишар эди. Одатдагидек Фиръавннинг бехисоб қўшини ва миршаблари бу ерда ҳам

фақат томошабин бўлишга яарди. Қиличлар, найзалар, ўқёйлар билан битларга қарши ҳеч нима қилиб бўлмасди.

Кейин, Миср аҳли устига Аллоҳ қурбақани ёғдирди. Овқатлар ичи қурбақа, сувлар қурбақа, кийимлар қурбақа...

Яшашнинг ҳаловати қолмади. Ушбу қурбақалардан зерикишди.

Одамлар уйларининг қай бурчагига қарамасин, бақрайиб турган қурбақани кўрадилар.

Уйлар қурбақаларнинг қуриллашию вақиллашига тўлиб кетди. У ёқдан бу ёққа сакрап эди.

Одамлар битта қурбақани ўлдирсалар, ўрнига яна ўнтаси пайдо бўларди. Уйдан битта қурбақа ирғитилмасдан туриб, яна бештаси кўринар эди. Гўёки улар уйда болалаётгандек.

Кўриқчилар ҳам миршаблар ҳам қурбақалардан чарчашибди...

Аллоҳ таоло (бу кофир қавмга ибрат бўлсин деб) бешинчи оят-аломатни – қон балосини юборди.

Одамлар бурунларидан тинимсиз қон келиши оқибатида жуда ҳолсизланиб, чарчаб қолишибди.

Ҳеч қандай дори-дармон қонни тўхтата олмасди. Табиблар бу ғалати дард олдида ожиз эдилар.

Кофир қавм ҳар гал бошига бало келганида Мусо алайҳиссаломга ёлворардилар;

- Парвардигорингга дуо қил. Биздан бу балони кўтарсин! Энди тавба этиб биз ҳам мўминлардан бўламиз. Бани Исроилни сен билан қўшиб юборамиз...

Лекин, бошларидан бало аригач, яна аҳдларидан қайтар эдилар.

**«(Улар) устига тўфон (сел), чигиртка, бит, бақа ва қон (балоларини) очиқ оят-мўъжизалар қилиб**

юбордик. (Лекин) улар кибр-ҳаво қилдилар ва жиноятчиосий қавм бўлдилар. Қачонки уларнинг устига бу азоб тушгач; «Эй Мусо, сенга берган ваъдаси ҳаққи-хурмати, Парвардигоринга дуо қил. Қасамки, агар бизлардан шу азобни кўтарсанг, албатта сенга (Пайғамбарлигинга) иймон келтирурмиз ва Бани Исроилни сен билан бирга (Ўз ватанларига) жўнатурмиз,» дедилар. Энди улардан бу азобимизни (улар) етиб боргувчи бўлган муддатгача (яъни қиёмат кунигача) кўтарганимизда эса, баногоҳ (ичган қасамларини) бузиб турибдилар».

## 7

## الخروج

وَضَاقَتْ عَلَىٰ بَنِي إِسْرَائِيلَ أَرْضُ مِصْرَ وَهِيَ وَاسِعَةٌ. وَمَا يَصْنَعُونَ بِخَصْبِ مِصْرَ وَحَيْرَاتِهَا وَهُمْ فِي سِجْنٍ يَذْدُوقُونَ كُلَّ يَوْمٍ صُنُوفًا مِنَ الْعَذَابِ وَالْهَوَانِ؟!  
إِلَىٰ مَتَىٰ يَصْبِرُونَ، أَلَيْسُوا بَنِي آدَمَ يَشْعُرُونَ بِالْأَذَىٰ وَالْأَلَمِ؟ وَأَوْحَى اللَّهُ إِلَىٰ مُوسَىٰ أَنْ يَسْرِيَ بِبَنِي إِسْرَائِيلَ لَيَلًا وَيَخْرُجَ بِهِمْ مِنْ مِصْرَ. وَأَحَسَّ بِذَلِكَ شُرُطَةُ فِرْعَوْنَ وَلَهُمْ عُيُونُ الْعَرَابِ وَشَامَةُ النَّمْلِ وَأَخْبَرُوا بِذَلِكَ فِرْعَوْنَ.

سَارَ مُوسَىٰ بِبَنِي إِسْرَائِيلَ فِي اللَّيْلِ تَحْوَى الْأَرْضَ الْمُقَدَّسَةَ وَهُمْ اثْنَا عَشَرَ سِبْطًا كُلُّ سِبْطٍ عَلَيْهِ أَمِيرٌ.  
وَالطَّرِيقُ إِلَى الشَّامِ طَرِيقٌ وَاضْعُفْ مَعْلُومٌ، بَرٌّ وَرَمْلٌ بَيْنَ الْبَرَّيْنِ وَقَدْ جَازَهُ مُوسَىٰ مَرَّتَيْنِ. وَلَكِنَّ مُوسَىٰ أَرَادَ أَمْرًا  
وَأَرَادَ اللَّهُ أَمْرًا وَكَانَ مَا أَرَادَهُ اللَّهُ.

أَخْطَأَ مُوسَى الطَّرِيقَ، وَحَيْثُ أَخْطَأَ مُوسَى أَصَابَ الْقَدَرُ. طَنَّ مُوسَىٰ أَنَّهُ يَسِيرُ بِبَنِي إِسْرَائِيلَ إِلَى جَانِبِ  
الشَّمَالِ. فَإِذَا بِهِمْ فِي ظَلَامِ اللَّيْلِ إِلَى جَانِبِ الشَّرْقِ. وَإِذَا بِهِمْ أَمَامَ الْبَحْرِ الْأَحْمَرِ تَتَلاَطِمُ أَمْوَاجُهُ. يَا حَافِظُ!  
يَا سَاتِرُ! أَيْنَ نَحْنُ؟

كَانَ الْجَوَابُ إِنَّا أَمَامَ الْبَحْرِ! التَّفَتُوا إِلَى الْوَرَاءِ فَإِذَا بُعْبَارٍ سَاطِعٍ! وَإِذَا بِجُنْدِ عَظِيمٍ قَدْ سَدَ الْأُفْقَ! هُنَالِكَ ارْتَفَعَتِ الأَصْوَاتُ. يَا ابْنَ عِمْرَانَ! مَاذَا أَنْكَرْتَ مِنَاهُ حَتَّى دَبَّرْتَ قَتْلَهُ! وَجِئْتَ بِنَا إِلَى شَطَّ الْبَحْرِ لِيَقُولَنَا فِرْعَوْنُ قُتِلَ الْفِرَارُ حَيْثُ لَا فِرَارٌ وَلَا نَجَاهَةَ.

لَا نَذْكُرُ إِلَيْكَ سُوءًا فَلِمَاذَا هَذَا الْإِنْتِقَامُ؟! أَلَمْ يَكْفِكَ مَا أَصَابَنَا مِنَ الْجُهْدِ وَالْبَلَاءِ لِأَجْلِكَ حَتَّى جِئْتَ بِنَا إِلَى هُنَاءِ؟! هَا هُوَ الْبَحْرُ أَمَانًا، وَهَا هُوَ الْعَدُوُّ وَرَاءَنَا، وَلَيْسَ لَنَا إِلَّا الْمَوْتُ! هُنَالِكَ أَظْلَمَتِ الدُّنْيَا فِي عُيُونِ بَنِي إِسْرَائِيلَ، وَزَاغَتِ الْأَبْصَارُ وَاسْتَوْلَى الْيَأسُ ثُمَّ حَفَّتِ الْأَصْوَاتُ.

هُنَالِكَ تَزَلَّلَ كُلُّ أَحَدٍ، وَحُقُّ الْجِبَالِ الرَّاسِيَاتِ أَنْ تَتَزَلَّلَ. وَلَكِنَّ إِيمَانَ مُوسَى بِرَبِّهِ لَمْ يَتَرَكَّلْ وَسَمِعَ النَّاسُ صَوْتًا فِيهِ جَالَلُ النُّبُوَّةِ. (كَلَّا إِنَّ مَعِيَ رَبِّي سَيِّدِنَا) {الشعراء - 62}.

وَأَمَرَ اللَّهُ مُوسَى أَنْ يَضْرِبَ بَعَصَاهُ الْبَحْرَ. فَضَرَبَ فَانْفَلَقَ الْبَحْرُ وَقَامَ الْمَاءُ عَلَى كُلِّ جَانِبِ الْجَبَلِ. وَإِذَا اثْنَا عَشَرَ طَرِيقًا لَا ثَنِي عَشَرَ سَبِطًا لِكُلِّ سَبِطٍ طَرِيقٌ. وَسَارَ الْقَوْمُ آمِنِينَ وَوَصَلُوا إِلَى بَرِّ الْأَمْنِ وَالسَّلَامِ.

## 7

## Бани Исроилнинг Мисрдан чиқиб кетиши

Мисрнинг кенг ерлари Бани Исроил учун торлик қилиб қолди. Ахир, ҳар куни минг турли азоб ва хўрлик кўрувчи Исроил фарзандларига Мисрнинг ям-яшил водийлари қандай ҳам қувонч бағишиласин?!

Бани Исроил токайгача сабр қиласиди? Улар ҳам жони оғрийдиган одамлар-ку!?

Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга тунда Бани Исроилни олиб Мисрдан чиқиб кетишни ваҳий қилди.

Лекин шоҳнинг чумолидек сезгир, қарғадек ўткиркўз айғоқчилари бу хабарни Фиръавнга етказдилар.

Мусо алайҳиссалом Бани Исроилни олиб муқаддас замин - Шом томон тунда йўлга чиқди. Бани Исроил 12 гурухга бўлинган бўлиб, ҳар бир гурухнинг ўз амири бор эди.

Шом йўли Мусо алайҳиссаломга маълум ва аниқ бўлиб, икки қуруқлик орасидаги йўл эди. Мусо алайҳиссалом у ердан аввал ҳам икки марта юрган эдилар. (Бир гал Мадянга боришда, иккинчиси Мисрга қайтишда).

Лекин Мусонинг хоҳлагани эмас, Аллоҳнинг хоҳлагани бўлади.

Мусо алайҳиссалом тақдири азалда ёзилганидек, билган йўлидан адашиб кетди.

У Бани Исроил билан шимол томонга кетяпман, деб ўйласада, тун қоронғусида ўзининг шарққа қараб юраётганлигини сезмасди.

Кутилмаганда улар мавж уриб ётган қизил денгиз қаршисидан чиқиб қолдилар.

- Ё Аллоҳ, ё Парвардигор! Биз қаердамиз ўзи?!!

Бизлар денгиз олдидамиз, дея жавоб бўлди.

Бани Исроил ортларига бурилиб узоқдан кўтарилиган қалин губорни кўрдилар.

Орқадан уфқни тўсиб Фиръавнинг катта қўшини таъқиб қилиб келарди.

Исроил фарзандлари умидсизликка тушиб дод-фарёд кўтаришиди.

Эй Имроннинг ўғли! Биз сенга нима ёмонлик қилувдик? Фиръавн бизни худди сичқон боласидек ўлдириб ташлаши учун денгиз қирғоғига олиб келдингми? Ахир бу ердан ҳеч қаёққа қочиб кетиб бўлмайди-ку!?

Нима учун биздан интиқом оляпсан? Сенга бирон ёмон сўз дедикми?

Шу пайтгача сен сабабли кўрган жабру ситамларимиз каммиди? Энди шу ерга бошлаб келдингми?

Олдинда пишқирган денгиз, ортда эса қутурған душманлар.

Бу кун биз аниқ ҳалок бўламиз.

Бани Исроил кўзига дунё қоронғу бўлди. Кўзлар даҳшатдан дум-думалоқ бўлиб қолди. Овозлар бўғилди. Умидсизлик Исроил қавмини тўла қамраб олди.

Бугун саросимага тушмаган одам қолмади. Ҳа, ҳатто азим тоғлар ҳам бу қўркув қархисида ларзага келиши мумкин.

Лекин Мусонинг Парвардигорига бўлган иймони заррача сусаймади – ларзага келмади.

Инсонлар нубувват нури ёғилиб турган сўзни эшитдилар.

**«Йўқ, аниқки мен билан бирга Парвардигорим бор. Албатта у мени (нажот) йўлига бошлар».**

Аллоҳ таоло Мусога асоси билан денгизни уришга амр қилди. Мусо Парвардигори арини бажариб, асосини урди. Шунда денгиз ёрилиб сув худди тоғдек бўлакланиб қолди.

Ўн икки гуруҳ учун ўн икки йўл пайдо бўлди. Демак ҳар-бир гуруҳга алоҳида йўл.

Бани Исроил қавми денгиздан эсон-омон ерига етиб олди.

## 8

### غرق فرعون

وَرَأَىٰ فِرْعَوْنُ كَيْفَ سَارَ بَنُو إِسْرَائِيلَ وَعَبَرُوا الْبَحْرَ آمِينَ. وَقَالَ فِرْعَوْنُ لِجُنُودِهِ: أُنْظِرُوهُمْ إِلَى الْبَحْرِ كَيْفَ افْتَلَقَ طَوْعًا لِأَمْرِي حَتَّىٰ آخُذَ هُؤُلَاءِ الْفَارِئِينَ. وَتَقَدَّمَ فِرْعَوْنُ بِجُنُودِهِ، فَجَزَعَ بَنُو إِسْرَائِيلَ مَرَّةً أُخْرَىٰ. هَا هُوَ الْعَدُوُّ، هَا هُوَ الظَّالِمُ يُرِيدُ أَنْ يَعْبُرَ الطَّرِيقَ إِلَيْنَا. وَلَا يَمْنَعُهُ مِنَّا شَيْءٌ، وَسَيَلْحَقُنَا وَيَاخْدُنَا إِلَى مِصْرَ مَأْسُورِينَ أَذِلَّاءَ أَوْ يَقْتُلُنَا فِي هَذِهِ الْبَرِّيَّةِ غُرَبَاءَ.

وَأَرَادَ مُوسَى أَنْ يَضْرِبَ بِعَصَاهُ الْبَرَّ فَيَعُودُ بَحْرًا كَمَا كَانَ وَلَكِنْ أَوْحَى اللَّهُ إِلَيْهِ: أُثْرُكِ الْبَحْرَ سَاكِنًا (إِنَّهُمْ جُنْدٌ مُغْرَقُونَ) {الدخان - 24}.

وَلَمَّا وَصَلَ فِرْعَوْنُ وَجُنُودُهُ إِلَى عَرْضِ الْبَحْرِ (وَهُوَ بُرُّهُ) انْطَبَقَ عَلَيْهِمْ. وَلَمَّا رَأَى فِرْعَوْنُ الْجَدَّ زَالَتْ سَكْرُتُهُ. (حَتَّى إِذَا أَدْرَكَهُ الْغَرَقُ قَالَ آمَنْتُ أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا الَّذِي آمَنْتُ بِهِ بَنُو إِسْرَائِيلَ وَأَنَا مِنَ الْمُسْلِمِينَ) {يوحنا - 90}. وَلَكِنْ هَيَّاهَا (وَلَيْسَتِ التَّوْبَةُ لِلَّذِينَ يَعْمَلُونَ السَّيِّئَاتِ حَتَّى إِذَا حَضَرَ أَحَدُهُمُ الْمَوْتُ قَالَ إِنِّي ثَبِيتُ الْآنَ) {النساء - 18}. وَ(يَوْمَ يَأْتِي بَعْضُ آيَاتِ رَبِّكَ لَا يَنْفَعُ نَفْسًا إِيمَانُهَا لَمْ تَكُنْ آمَنَتْ مِنْ قَبْلُ أَوْ كَسَبَتْ فِي إِيمَانِهَا خَيْرًا) {الأعراف - 158}. فَقَبِيلَ لَهُ (الْآنَ وَقَدْ عَصَيْتَ قَبْلُ وَكُنْتَ مِنَ الْمُفْسِدِينَ) {يوحنا - 91}.

وَمَاتَ فِرْعَوْنُ فِي الْبَحْرِ غَرَقًا. مَاتَ الْجَبَارُ الَّذِي قَتَلَ الْلُّوفَا مِنَ الْأَطْفَالِ وَالرِّجَالِ ذَبْحًا وَخَنْقًا. مَاتَ الطَّاغِيَةُ الَّذِي قَتَلَ الْلُّوفَآلَافِ صَبَرًا وَشَنْقًا. مَاتَ مَلِكُ مِصْرَ بَعِيدًا عَنْ عَرْشِهِ بَعِيدًا عَنْ سُلْطَانِهِ لَا طَبِيبٌ يُدَاوِيهِ وَلَا صَدِيقٌ يُوَاسِيهِ، وَلَا عَيْنٌ يُبَكِّيهِ.

وَكَانَ بَنُو إِسْرَائِيلَ فِي شَكٍّ عَنْ مَوْتِهِ يَقُولُونَ إِنَّ فِرْعَوْنَ لَا يَمُوتُ. أَمَّا كُنَّا نَرَاهُ يَقْضِي أَيَّامًا وَلَا يُكُلُّ وَلَا يَشْرَبُ؟! وَقَدَفَ الْبَحْرُ حُثَّهُ فَأَيْقَنُوا بِمَوْتِهِ.

وَقَالَ اللَّهُ تَعَالَى لِفِرْعَوْنَ: (فَالْيَوْمُ نُنَجِّيكَ بِيَدِنَاكَ لِتَكُونَ لِمَنْ خَلَفَكَ آئِيَةً) {يوحنا - 92} وَكَانَتْ حُثَّةُ فِرْعَوْنَ آيَةً لِلنَّاظِرِينَ وَعِبْرَةً لِلْمُعْتَبِرِينَ. وَغَرِقَ جُنْدُ فِرْعَوْنَ عَنْ آخرِهِ وَمَا نَجَا مِنْهُمْ أَحَدٌ. وَخَلَفُوا مِصْرَ وَرَاءَهُمْ وَلَمْ يَجِدُوا فِي أَرْضِهَا الوَاسِعَةِ ذِرَاعًا لِمَدْفَنٍ.

(كَمْ تَرَكُوا مِنْ جَنَّاتٍ وَعُيُونٍ، وَزُرُوعٍ وَمَقَامٍ كَرِيمٍ، وَنَعْمَةٍ كَانُوا فِيهَا فَاكِهِينَ، كَذَلِكَ وَأَوْرَثْنَاهَا قَوْمًا آخَرِينَ، فَمَا بَكَتْ عَلَيْهِمُ السَّمَاءُ وَالْأَرْضُ وَمَا كَانُوا مُنْظَرِينَ) {الدخان - 25-29}.

Бани Исроилнинг дengиз ўртасидан очилган йўлдан соғ-омон ўтиб кетганини кўрган Фиръавн ўз қўшинига қараб деди;

Қаранглар! Қочоқларни тутмоғим учун менинг амримга бўйсуниб денгиз ёрилди!

Фиръавн қўшини билан олға интилди. Бани Исроилни яна қўрқув қамради.

Золим душман биз томон денгиз ўртасидан эмин-эркин ўтиб келмоқда.

Тамом, биз кўлга тушдик.

Фиръавн ҳозир бизни яна хорлаб, асир қилиб Мисрга олиб кетади ёки мана шу кимсасиз ерда қилич тифидан ўтказади.

Мусо алайҳиссалом денгиз қайтадан аслига келиши учун асоси билан ерни урмоқчи бўлди.

Шунда Аллоҳ таоло ваҳий қилди;

Эй Мусо, денгизга тегинма «албатта улар ғарқ қилинувчи қўшиндир».

Фиръавн ва унинг қўшини пайдо бўлган йўл ўртасига етгач денгиз ҳаракатга келди. Улар тўлқинлар тагида қолишли.

Ўлишини аниқ билгач, Фиръавн ўзининг куфр-кибр мастилигидан уйғонди.

**«Энди                          унга (Фиръавнга                          денгизда) ғарқ бўлиш (пайти) етганида эса, у деди; ҳеч қандай илоҳ йўқ, магар Бани Исроил иймон келтирган зот - Аллоҳгина борлигига иймон келтирдим. Мен ҳам мусулмонлардан - Аллоҳга бўйсинувчиларданман».**

Лекин, энди Фиръавн учун тавба қилиш фурсати ўтган эди.

**«На гуноҳ ишларни мудом қилиб юриб, қачонки бирорларига ўлим келганида «энди тавба қилдим» дейдиган ва на кофир ҳолда ўлиб кетадиган кимсаларнинг тавбалари қабул қилинmas».**

**«Парвардигорингизнинг айрим оятлари келадиган кунда эса илгари иймон келтирмаган ёки иймонида яхшилик касб қилмаган бирон жонга (энди келтирган) иймони фойда бермас».**

Фиръавнга шундай дейилди.

- «Энди-я! Ахир сен илгари (яъни шу пайтгача) итоатсизлик қилған ва бузғунчи кимсалардан бўлган эдинг-ку!».

Фиръавн денгизга ғарқ бўлиб вафот қилди.

Минглаб гўдакларни қатл қилдирган қонхўр ўлди!

Минг-минглаб кишиларни зинданбанд қилиб чиритган, осган, сўйган золим жон таслим этди!

Миср подшоҳи тахтидан, кошонасидан, салтанатидан йироқда жон берди.

Унинг бошида на даволовчи табиб, на меҳрибон дўст ва на йиғловчи бир кўз турмади!

Бани Исроил ҳали ҳам Фиръавннинг ўлганига шубҳа қиласди. Улар «Фиръавн ўлмайди» дейишарди.

- Ахир у неча кунлаб емасдан, ичмасдан юрар эди-ку?!

Фақат денгиз унинг жасадини қирғоққа чиқариб ташлаганидан кейингина «Фиръавн аниқ ўлибди» дедилар.

Аллоҳ таоло Фиръавнга хитобан шундай деди:

**«Мана бугун ўзингдан кейинги кишиларга оят-ибрат бўлишинг учун сени жасадингни кутқарурмиз».**

Фиръавн жасади инсон фарзандларига оят-ибрат бўлиши учун асраб қўйилди.

Бани Исроилни таъқиб этган қўшиндан бирон киши ҳам омон қолмади.

Шундай муazzам Миср мамлакатидан уларга бир аршин ҳам қабр насиб қилмади.

**«Улар қанчадан-қанча боғларни, чашмаларни, экинзорларни ва улуғ-гүзәл жойларни қолдириб (үзлари ғарк бўлиб) кетдилар ва (қанчадан-қанча) ўзлари вақтичоғлик қилган неъматларни (қолдириб кетдилар)! Мана шундай! Биз у (неъматларни бошқа) бир қавмга мерос қилиб бердик. Бас, уларга осмон ҳам, ер ҳам (аза тутиб) йиғламади, уларга (тавба-тазарруъ учун) муҳлат ҳам берилмади!».**

## 9

في البرية!

وَصَلَ بُنُو إِسْرَائِيلَ إِلَى بَرِّ الْأَمْنِ وَالسَّلَامِ وَتَنَفَّسُوا فِي هَوَائِهِ كَالْأَحْرَارِ الْأَشْرَافِ. هُنَالِكَ لَا يَخَافُونَ فِرْعَوْنَ وَلَا يَخَافُونَ هَامَانَ وَلَا يَخَافُونَ شُرُطَةَهُ. هُنَالِكَ يَمْسُحُونَ آمِينَ مُطْمَئِنِينَ لَا يَخْشُونَ أَحَدًا إِلَّا اللَّهُ. وَلَكِنَّهُمْ كَانُوا أَهْلَ الْحَضَرِ وَكَانَتِ الشَّمْسُ تُؤْذِنُهُمْ فِي الْبَرِّيَّةِ. وَكَانُوا ضَيْوفَ اللَّهِ! أَلَمْ تَرِ إِلَى الْمُلُوكِ كَيْفَ يُكْرِمُونَ ضَيْوَفَهُمْ؟! وَكَيْفَ يَضْرِبُونَ لَهُمُ الْخَيَامَ تَقِيمَهُمْ حَرَّ الشَّمْسِ؟!  
إِنَّ كَرَامَةَ اللَّهِ فَوْقَ كُلِّ كَرَامَةٍ! وَأَمْرَ اللَّهِ الْعَمَامُ أَنْ يُظْلِهُمْ، فَكَانُوا يَمْسُحُونَ فِي ظِلِّ الْعَمَامِ، وَكَانَ الْعَمَامُ يَسِيرُ مَعَهُمْ حَيْثُ سَارُوا وَيَقِفُ أَيْنَمَا وَقَفُوا.

وَعَطِيشَ بُنُو إِسْرَائِيلَ وَلَا مَاءَ فِي الْبَرِّيَّةِ، وَلَا نَهَرٌ وَلَا بَرٌ. ذَهَبُوا إِلَى مُوسَى، يَشْكُونَ إِلَيْهِ الْعَطَشَ كَمَا يَشْكُو الْطَّفْلُ إِلَى أُمِّهِ وَيَسْتَغِيثُهَا. وَدَعَا مُوسَى رَبَّهُ! وَمَنْ لَهُ غَيْرُهُ؟!

فَقَالَ: (اضْرِبْ بِعَصَالَكَ الْحَجَرَ). (فَانْفَجَرَتْ مِنْهُ اثْنَتَا عَشْرَةَ عَيْنًا قَدْ عَلِمَ كُلُّ أُنَاسٍ مَشْرَبَهُمْ) {البقرة - 60}. وَجَاءَ بُنُو إِسْرَائِيلَ فَشَكَوُا إِلَى مُوسَى الْجُوعَ كَمَا يَشْكُو الْطَّفْلُ إِلَى أُمِّهِ وَيَسْتَغِيثُهَا. وَقَالُوا إِنَّكَ أَخْرَجْنَا مِنْ مِصْرَ أَرْضِ الْفَوَاكِهِ وَالشَّمَرَاتِ وَأَرْضِ الْخَيْرَاتِ وَالطَّيَّابَاتِ فَمَنْ لَنَا بِطَعَامٍ فِي هَذِهِ الْبَرِّيَّةِ؟

دَعَا مُوسَى رَبَّهُ! وَمَنْ لَهُ غَيْرُهُ؟ فَأَنْزَلَ عَلَيْهِمُ الطَّعَامَ. أَنْزَلَ لَهُمْ عَلَى أَوْرَاقِ الْأَشْجَارِ مِثْلَ الْحَلْوَى، وَأَرْسَلَ إِلَيْهِمْ طَيْرًا يَأْخُذُونَهُ مِنَ الْأَشْجَارِ بِسُهُولَةٍ. ذَلِكَ هُوَ الْمَنْ وَالسَّلْوَى، ضِيَافَةُ اللَّهِ لِبَنِي إِسْرَائِيلَ فِي الْبَرِّيَّةِ.

## 9

## Саҳрода

Фиръавн таъқибидан соғ-саломат қутулган Бани Исроил бехавотир ерга етганларида шарафли озод кишилардек енгил нафас олдилар.

Бу ерда уларга на Фиръавн на Ҳомон ва на Фиръавн миршаблари хавф соларди.

Энди қўрқмасдан эмин-эркин, хотиржам, Аллоҳдан бошқа бирор кишидан қўрқмасдан юришлари мумкин эди.

Лекин, ям-яшил водийда ўсган Бани Исроил сахро қуёшидан озор чекарди.

Хозир Исроил фарзандлари Аллоҳнинг меҳмони эдилар.

Сиз шоҳларнинг ўз меҳмонларига қандай иззат-икром кўрсатишни биласизми? Албатта, азиз меҳмонларни жазирама офтобдан эҳтиёт қилиб шоҳона чодирлар тикилади...

Аллоҳ иззат-икроми эса ҳар қандай меҳмоннавозликдан юқори бўлади.

Пок Парвардигор амри билан Бани Исроилга булаттут соябон қилинди.

Истроил фарзандларини қуёш тиғидан сақловчи бу булаттут улар билан ҳамиша бирга юрарди.

Мусонинг қавми тўхтаса, булаттут ҳам тўхтар, юрсалар, у ҳам самода суза бошлар эди.

Исроил болалари чанқашди. Саҳрода на бир қудук ва на бир кўл кўзга ташланмасди.

Бани Исроил Онасидан ёрдам кутган гўдак мисоли Мусога ташналиқ азобидан шикоят қилди.

Мусо алайҳиссалом Парвардигорига илтижо этди.

Ахир ундан ўзга мададкор борми?!

**«Эсланг (эй бани Исроил) Мусо ўз қавми учун сув тилаганида, «Асоингни тошга ургил», дедик. Бас, ундан ўн икки чашма отилиб чиқди ҳар бир қабилаға (улар ўн икки уруғ эдилар) ўз суви маълум бўлди».**

Корни очган Исроил фарзандлари яна Мусо алайҳиссалом олдига югуришиди:

- Сен бизни турли лазиз меваларга бой бўлган ҳушманзара Миср еридан олиб чиқдинг. Энди, мана бу қуп-қуруқ сахрода бизга ким бирон егулик беради?!

Мусо яна Парвардигорига дуо-илтижолар қилди. Ахир ундан бошқа кимга ҳам илтижо қилинади?!

Аллоҳ таоло уларга егуликлар туширди.

Ҳолва каби лазиз шириналлар дарахт баргларига қуйилиб туширилди.

Уларга қушларни юборди. Дарахтлар устидаги қушларни сира қийналмасдан ушлар эдилар.

Мана шу Аллоҳ томонидан берилган «шириналлик ва беданалар» эди.

Мана шу – яйдоқ сахрода Бани Исроилнинг Аллоҳ томонидан меҳмон қилиниши эди.

## كفران بني إسرائيل

وَلَكِنَّ بَنِي إِسْرَائِيلَ قَدْ أَفْسَدَ ذُوقَهُمْ وَخُلُقَهُمُ الْعُبُودِيَّةُ الطَّوِيلَةُ. وَكَانُوا لَا يَقِرُّونَ عَلَى شَيْءٍ، وَكَانُوا لَا يَسْكُنُونَ إِلَى شَيْءٍ وَكَانُوا فِي طِبَاعِهِمْ أَطْفَالًا. وَكَانُوا قَلِيلِي التَّشَكُّرِ كَثِيرِي التَّشَكُّرِ سَرِيعِي السَّأَمَةِ يُحِبُّونَ مَا مُنْعِوا وَيَكْرُهُونَ مَا أُعْطُوا.

وَلَمْ يَلْبُسُوا قَلِيلًا أَنْ قَالُوا لِمُوسَى: قَدْ سَئَمْنَا هَذَا الطَّعَامَ الْوَاحِدَ، وَقَدْ سَئَمْنَا هَذَا اللَّحْمَ وَهَذِهِ الْحَلْوَى. وَقَدِ اشْتَهَيْنَا الْخُضْرَاءِ وَالْبَقْوَلَ.

(يَا مُوسَى لَنْ تَصِيرْ عَلَى طَعَامٍ وَاحِدٍ فَادْعُ لَنَا رَبَّكَ يُخْرِجْ لَنَا مِمَّا تُنْبِتُ الْأَرْضُ مِنْ بَقْلَهَا وَفِنَائِهَا وَفُومِهَا وَعَدَسِهَا وَبَصَلِهَا) {البقرة - 61}.

تَعَجَّبَ مُوسَى مِنْ هَذَا السُّؤَالِ الْغَرِيبِ وَقَالَ بِصَوْتٍ فِيهِ الْإِنْكَارُ وَفِيهِ الْاسْتِعْجَابُ وَفِيهِ الْعِتَابُ.

(أَتَسْتَبْدِلُونَ الدِّيْنَ هُوَ أَدْنَى بِالَّذِي هُوَ خَيْرٌ) {البقرة - 61}!؟.

أَبْقُولَا وَخُضَرَ مَكَانَ طَيُورٍ وَحَلْوَى لَمْ تَمَسَّهَا يَدُ إِنْسَانٍ؟! أَطْعَامَ الْفَلَاحِينَ بَدَلَ طَعَامَ الْمُلُوكِ؟ يَا لَفَسَادَ الذَّوْقِ! يَا لَسُوءِ الْإِخْتِيَارِ! وَلَكِنَّ بَنِي إِسْرَائِيلَ لَمْ يَتَنَازَلُوا عَنْ سُؤَالِهِمْ، وَلَمْ يَزَالُوا يَطْلُبُونَ الْخُضَرَ وَالْبَقْوَلَ.

فَقَالَ مُوسَى: إِنَّ مَا سَأَلْتُمْ يُوجَدُ فِي كُلِّ قَرْيَةٍ وَمِصْرَ. (اَهْبِطُوا مِصْرًا فَإِنَّ لَكُمْ مَا سَأَلْتُمْ) {البقرة - 61}.

## Бани Истроилнинг Куфрони неъмати

Лекин узок давом этган қуллик Бани Истроилга ўз таъсирини ўтказган, уларнинг хулқ-атвори ва хаётдан завқ олиш ҳиссини бузган эди.

Бани Исроил бола табиатли бўлиб қолганди. Улар ҳеч бир нарсада узоқ вақт тура олмасдилар. Бесабр, бекарор кишиларга айланишган эди.

Шукри кам, нолиши кўп, ноз-зерикиши хўб бу қавм таъқиқланган нарсани хуш кўриб, берилган неъматларни ёқтирасди.

Ҳали ҳеч қанча ўтмасдан туриб улар яна нолишга ўтдилар:

Эй Мусо, бир хил таом жонимизга тегди. Гўшту ҳолвалардан зериқдик.

Ерда ўсадиган кўк-сабзавотлардан егимиз келяпти.

- «**Эй Мусо, бир хил таомга ҳеч қаноат қила олмаяпмиз. Парвардигоринга дуо қил, бизга ерда униб-ўсадиган сабзавотлардан, бодринг, саримсоқ, мош, пиёзга ўхшаган ўсимликлардан чиқариб берсин».**

Мусо уларнинг бу ғалати сўровларидан таажжубга тушиб ҳам инкор, ҳам ҳайрат, ҳам танбеҳ оҳангига деди;

- «**Яхши нарсани паст нарсага алмаштириши истайсизларми?**»

- Куш гўшtlари, ҳолвалар каби инсон қўли тегмаган ноз-неъматларни ташлаб кўк-сабзавотларни орзу қиласизларми?

- Шоҳлар таомини дехқонлар егулигига алмашасизларми?

- Эҳ сизларда таъм билишдаги завқ бузилган-ку?!

- Эҳ мунча ёмон нарсани ихтиёр қиласизлар!

Лекин Бани Исроил кўкат ва сабзавот талабида туриб олиб қайта-қайта сўрайвергач, Мусо алайҳиссалом уларга деди:

- Хоҳлаган қишлоқ ва шаҳрингиздан айтаётган нарсаларингизни топасиз.

**«Қайси шаҳарга тушсангизлар сўраган нарсаларингиз турибди-ку?».**

## 11

## عناد بني إسرائيل

وَكَانَتْ بُنُو إِسْرَائِيلَ فِي طِبَاعِهِمْ أَطْفَالًا، وَأَطْفَالًا مُعَانِدِينَ. وَكُلُّمَا أُمِرُوا بِأَمْرٍ يُخَالِفُونَهُ إِلَى ضِدِّهِ وَيَسْتَهْزِئُونَ بِهِ. كَانُوكُمْ يَرَوْنَ مِنَ الْوَاجِبِ أَنْ يُدْلِلُوا مَا يُقَالُ لَهُمْ. كَطِفْلٍ عَنِيدٍ يُقَالُ لَهُ قُمْ فِي جِلْسٍ وَيُقَالُ لَهُ إِجْلِسْ فَيَقُومُ. وَيُقَالُ لَهُ اسْكُنْ فَيَتَكَلَّمُ وَيُقَالُ لَهُ تَكَلَّمْ فَيَسْكُنُ. وَكَانَ فِيهِمْ عِنَادُ الْأَطْفَالِ فِي خُبْثِ الْأَشْرَارِ إِجْلِسْ فَيَقُومُ. وَيُقَالُ لَهُ اسْكُنْ فَيَتَكَلَّمُ وَيُقَالُ لَهُ تَكَلَّمْ فَيَسْكُنُ. كَانُوكُمْ عِنَادُ الْأَطْفَالِ فِي خُبْثِ الْأَشْرَارِ فِي هُزُءِ الْأَعْدَاءِ فِي سَفَاهَةِ الْمَجَانِينَ. كَانُوكُمْ يُرِيدُونَ أَنْ يَسْكُنُوا قَرْيَةً وَيَأْكُلُوا طَعَامَهُمُ الشَّهِيْيَ منَ الْخُضْرَاءِ وَالْبُقُولِ.

وَلَكِنَّهُمْ لَمَّا قِيلَ لَهُمْ: (اسْكُنُوا هَذِهِ الْقَرْيَةَ وَكُلُوا مِنْهَا حِيتُ شِئْتُمْ وَقُولُوا حِطةً وَادْخُلُوا الْبَابَ سُجَّدًا نَغْفِرْ لَكُمْ خَطِيئَاتِكُمْ سَنَزِيدُ الْمُحْسِنِينَ) {الأعراف - 161}.

غَضِبُوا مِنْ هَذَا الْأَمْرِ الْإِلَهِيِّ، وَدَخَلُوا الْقَرْيَةَ كُرْهًا وَهُزُوًّا يَزْحَفُونَ عَلَى أَسْتَاهِمْ. (فَبَدَّلَ الَّذِينَ ظَلَمُوا قَوْلًا غَيْرَ الَّذِي قِيلَ لَهُمْ) {البقرة - 59}. فَأَنْزَلَ اللَّهُ عَلَيْهِمْ بَلَاءً وَبَعَثَ عَلَيْهِمْ وَبَاءً مَا ثُوا مِنْهُ مَوْتَ الْفِيَرَانَ.

وَإِذَا أُمِرُوا بِأَمْرٍ أَكْثَرُوا السُّؤَالَ وَالْتَّنْقِيرَ. شَانَ رَجُلٌ لَا يُرِيدُ أَنْ يَعْمَلَ فَيُكْثِرُ السُّؤَالَ وَالْتَّنْقِيرَ. حَدَثَ فِي بَنِي إِسْرَائِيلَ حَادِثٌ قَتْلٌ، فَأَهْمَمَ ذَلِكَ بَنِي إِسْرَائِيلَ. وَلَمْ يَهْتَدُوا إِلَى الْقَاتِلِ، وَكَانَ السُّؤَالُ عَنِ الْقَاتِلِ حَدِيثَ النَّاسِ. جَاءُوكُمْ إِلَيْ مُوسَى - عَلَيْهِ الصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ - وَقَالُوكُمْ: أَعْنَانَا يَا نَبِيَّ اللَّهِ فِي هَذِهِ الْقَضِيَّةِ وَادْعُ اللَّهَ يُبَيِّنْ لَنَا الْقَاتِلَ.

## 11

## Бани Исроилнинг қайсарлиги

Исройл фарзандлари ўжар табиатли болага ўхшардилар.

Улар буюрилган ишнинг тескарисини қилишни ва масхаралашни яхши кўришарди.

Бу қавм ўзларига айтилган нарсани албатта алмаштириш керак, деб турарди.

Худди ўжар болалар каби: Агар сиз уларга «Тур!», десангиз ўтириб олишади. «Ўтир!», деган буйруқни эшитишлари билан сакраб туришади. «Жим бўл!», дейилгандагапириб, «Гапир!», дейилса жим туришади.

Бани Исроилнинг ўжарлигига нодонлик, жинниларча ҳатти-ҳаракат ва мараз ишоралар ҳам бор эди.

Улар бир қишлоққа тушиб унинг сабзавот ва полиз экинларидан ташкил топган иштаҳали овқатларидан емоқчи бўлдилар. Лекин Аллоҳ таоло изн бергач:

**«Ушбу қишлоққа (Қуддусга) кирингларда, ундан хоҳлаган жойларингизда еб-ичинглар. Дарвозадан сажда қилган ҳолингизда киринглар ва «авф эт» денглар, биз хатоларингизни мағфират қиласиз ва яхшилик эгаларига зиёда неъматлар ато қиласиз».**

Бани Исроил ушбу илоҳий амрдан ўзларича дарғазаб бўлдилар. Улар шаҳарга хоҳламасдан истеҳзо қилиб орқалари билан ер супириб-судралиб кирдилар.

**«Шунда золим кимсалар уларга айтилган сўздан бошқа сўзни алмаштириб айтдилар».**

Аллоҳ таоло улар устига бало тушириб, вабо балосини юборди.

Қавм сичқон ўлимидек ўлиб кетди.

Агар уларга бир нарса буюрилса, титкилаб қайта-қайта савол беришаверарди.

Киши бир ишни қилгиси келмаса, турли баҳоналар билан вактни чўзиб юраверарди. Ҳадеб саволлар беради.

Бани Исроил орасида қотиллик содир бўлди. Бу нарса Бани Исроилни ташвишга солиб қўйди. Одамлар ҳар қанча

уринмасынлар ҳақиқий қотилни топиша олмади. Қотил ҳақидаги сўров одамларни кунлик сұхбатига айланиб қолди. Сўнг Мусо алайҳиссалом ҳузурига келдилар:

- Эй Аллоҳнинг Пайғамбари! Мана шу муаммода бизга ёрдам бергин. Парвардигорингга дуо қил. Қотилнинг кимлигини билдирисин.

## 12

## البقرة

وَدَعَا مُوسَى رَبَّهُ فَأَوْحَى إِلَيْهِ أَنْ يَأْمُرَهُمْ بِذَبْحَ بَقَرَةٍ. هُنَالِكَ حَلَّتِ الْمُصِبَّةُ، وَبَدَأَ بَنُوا إِسْرَائِيلَ يَسْأَلُونَ وَيَسْخَرُونَ. (وَإِذْ قَالَ مُوسَى لِقَوْمِهِ إِنَّ اللَّهَ يَأْمُرُكُمْ أَنْ تَذْبَحُوا بَقَرَةً فَالْأَنْ تَذَبَّحُنَا هُزُوًّا قَالَ أَعُوذُ بِاللَّهِ أَنْ أَكُونَ مِنَ الْجَاهِلِينَ) {البقرة - 67}.

وَهُنَا أَرْسَلُوا إِلَيْهِمُ الْأَسْئَلَةَ. (قَالُوا ادْعُ لَنَا رَبَّكَ يُبَيِّنْ لَنَا مَا هِيَ قَالَ إِنَّهُ يَقُولُ إِنَّهَا بَقَرَةٌ لَا فَارِضٌ وَلَا بَكْرٌ عَوَانٌ بَيْنَ ذَلِكَ فَافْعُلُوا مَا تُؤْمِرُونَ) {البقرة - 68}.

وَلَمْ يَقِفُوا عَلَى هَذَا السُّؤَالِ، بَلْ بَدَأُوا يَسْأَلُونَ عَنْ لَوْنِهَا. (قَالُوا ادْعُ لَنَا رَبَّكَ يُبَيِّنْ لَنَا مَا لَوْنُهَا قَالَ إِنَّهُ يَقُولُ إِنَّهَا بَقَرَةٌ صَفْرَاءٌ فَاقْعُ لَوْنُهَا تَسْرُ النَّاظِرِينَ) {البقرة - 69}. وَلَمْ يَجِدُوا سُؤَالًا فَأَطْلَقُوا السُّؤَالَ. (قَالُوا ادْعُ لَنَا رَبَّكَ يُبَيِّنْ لَنَا مَا هِيَ إِنَّ الْبَقَرَ تَشَابَهَ عَلَيْنَا وَإِنَّا إِنْ شَاءَ اللَّهُ لَمْهُتَدُونَ قَالَ إِنَّهُ يَقُولُ إِنَّهَا بَقَرَةٌ لَا ذُلُولٌ تُثِيرُ الْأَرْضَ وَلَا تَسْقِي الْحَرْثَ مُسَلَّمَةً لَا شَيْةَ فِيهَا) {البقرة - 70-71}.

وَوْفَقُوا فِي هَذِهِ الْمَرَّةِ لَا تَهُمْ قَالُوا (وَإِنَّا إِنْ شَاءَ اللَّهُ لَمْهُتَدُونَ) {البقرة - 70} فَاهْتَدُوا. وَلَكِنَّ أَسْتِلَتُهُمْ ضَيَّقَتْ عَلَيْهِمُ الْأَمْرُ، فَلَوْ ذَبَحُوا أَيِّ بَقَرَةً لَكَانَتْ كَافِيَةً، وَلَكِنَّهُمْ شَدَّدُوا فَشَدَّدَ اللَّهُ عَلَيْهِمْ. وَقَاتَشُوا عَنِ الْبَقَرَةِ الْعَوَانِ الصَّفْرَاءِ الْفَاقِعِ لَوْنُهَا الَّتِي لَا تُثِيرُ الْأَرْضَ وَلَا تَسْقِي الْحَرْثَ الْمُسَلَّمَةِ الَّتِي لَا شَيْةَ فِيهَا. وَنَدَرَ وُجُودُ هَذِهِ الْبَقَرَةِ الْعَرَبِيَّةِ إِمَّا بَقَرَةٌ فَارِضٌ وَإِمَّا بَقَرَةٌ بَكْرٌ. وَإِمَّا عَوَانٌ وَلَكِنْ غَيْرُ صَفْرَاءَ. وَإِمَّا بَقَرَةٌ عَوَانٌ صَفْرَاءُ وَلَكِنْ لَوْنُهَا غَيْرُ فَاقِعٍ. وَإِمَّا بَقَرَةٌ عَوَانٌ صَفْرَاءُ فَاقِعٌ لَوْنُهَا وَلَكِنَّهَا بَقَرَةٌ ذُلُولٌ تُثِيرُ الْأَرْضَ. وَإِمَّا بَقَرَةٌ عَوَانٌ صَفْرَاءُ فَاقِعٌ لَوْنُهَا لَا تُثِيرُ الْأَرْضَ وَلَكِنَّهَا تَسْقِي الْحَرْثِ.

وَفَتَّشُوا وَفَتَّشُوا وَعَلِمُوا عَاقِبَةً هَذَا التَّنْقِيرِ، مَا هِيَ؟ مَا لَوْنَهَا؟ مَا هِيَ! وَتَعْبُوا.  
 وَأَرَادَ اللَّهُ بِسَيِّئِمْ خَيْرًا فَوَجَدُوا هَذِهِ الْبَقَرَةَ الَّتِي وَصَفَهَا اللَّهُ عِنْدَهُ فَأَشْتَرَوْهَا بِشَمَنٍ غَالِ جِدًا (فَدَبَحُوهَا وَمَا كَادُوا يَفْعُلُونَ) {الْبَقَرَةَ - 71}.  
 وَأَمَرَ اللَّهُ أَنْ يُضْرِبَ الْمَقْتُولُ بِجِزِءٍ مِنْ أَجْزَاءِ الْبَقَرَةِ فَيَحْيَا وَيُخْبِرَ بِاسْمِ الْقَاتِلِ.  
 .....  
 وَهَكَذَا كَانَ .....

## 12

### Сигир воқеаси

Мусо алайҳиссалом Аллоҳга дуо қилди.

Пок Парвардигор Бани Исрол қавмига бир сигир сўйишни ваҳий орқали буюрди.

Худди мана шу ерда масала чигаллашди. Бани Истроил яна масхараомуз саволларини бошлаганди.

**«Эсланг! Мусо ўз қавмига:**

- «Аллоҳ бир сигир сўйишларингни буюрди, деганда улар:
- «Устимиздан куляпсанми?» –дедилар.

**Мусо деди:**

- «Ундай жоҳиллардан бўлиб қолишдан Аллоҳ паноҳ беришини сўрайман».

Яна савол жўнатиб: **Улар дедилар:**

- «Парвардигорингга дуо қил, унинг қандайлигини баён қилсин».

*(Мусо деди):*

- «У зотнинг айтишича, у қари ҳам, ёш ғунажин ҳам бўлмаган ўрта бир сигирдир. Энди фармонни адо этинглар».

Улар шу ерда ҳам тўхташмади. Энди сигирниг рангини суриштира бошлашди.

**Улар дедилар:**

- «**Парвардигорингга дуо қил. Унинг рангини баён қилсин».**

*(Muso) айтди:*

- «**У зотнинг айтишича, у очик-малларанг сигир бўлиб, кўрганларнинг кўнгли чоғ бўлади».**

Ҳеч қандай савол топа олмаганларидан кейин умумий қилиб яна бир марта сўрашди:

**Улар айтдилар:**

- «**Парвардигоринга дуо қил, унинг қандайлигини баён қилсин, бу мол бизга иштибоҳли бўлиб қолди. Иншааллоҳ, энди йўлимизни топиб оламиз».**

*(Muso) айтди:*

- «**У зотнинг айтишича, у шундай бир сигирки, хор бўлиб ер ҳайдамайди, у билан (сув ташиб) экин суғормайдилар, айбу нуқсонсиз, унда ўз рангидан бошқа ранг-бўёқ йўқ».**

Улар бу гал мувофиқ бўлдилар. Чунки улар: “Иншааллоҳ энди йўлимизни топиб оламиз”, деб айтишган эди. Бас йўлни топишди.

Лекин Бани Исроил сўрайвериб, ўзига-ўзи оғир қилиб қўйганди. Агар улар тўғри келган бир сигирни сўйганларида ҳам кифоя қилган бўларди.

Ўзлари қаттиқ олганидан кейин, Аллоҳ ҳам уларга қаттиқ қилиб қўйди.

Бани Исроил айтилган очик-малларанг сигир, кўрганларнинг кўнгли чоғ бўладиган ер ҳайдамайдиган, у билан (сув ташиб) экин суғорилмайдиган, айбу нуқсонсиз, унда ўз

рангидан бошқа ранг-бўёқ йўқ сигирни узоқ қидирди. Чунки юқоридаги сифатларга эга бўлган сигир жуда ҳам кам учради.

Сигир ё қари ёки ёш бўлар эди.

Бир сигир ўрта ёшли бўлсада очик малларанг бўлмас эди.

Яна бири ўрта ёшли ва малларанг бўлсада лекин кўзни қувонтирmas эди.

Яна бири ўрта ёшли ва малларанг ва кўзни қувонтирадиган бўлсада лекин у ер ҳайдарди.

Ва яна бири ўрта ёшли ва малларанг ва кўзни қувонтирадиган ва ер ҳайдамайдиган бўлсада лекин у экинларга сув таширди.

Қидиравердилар, қидиравердилар.

Нихоят суриштираверишнинг оқибатини тушундилар. У нима? Ранги қандай? У қанака? Каби саволларни беравериб чарчашибди.

Аллоҳ таоло бир етимнинг баҳтини очди. Ваҳийда таърифланган сигир фақат мана шу етимда бор эди.

Бани Исроил сигирни жуда қиммат пулга сотиб олдилар.

**“Бас, уни сўйдилар. Сал бўлмаса, қилмасдилар”**

Аллоҳ таоло ўлдирилган кишини сигирнинг бир бўлак гўшти билан уришни буюрди. Шунда ўлик тирилиб қотилининг номини айтади.

Худди шундай бўлди....

## 13

### الشريعة

وَخَرَجَ بُنُو إِسْرَائِيلَ مِنْ عَيْشِ الْبَهَائِمِ إِلَى عَيْشِ النَّاسِ. وَصَارُوا يَعِيشُونَ فِي الْبَرِّيَّةِ كَالْأَحْرَارِ الْأَشْرَافِ.  
هُنَالِكَ احْتَاجُوا إِلَى شَرِيعَةٍ إِلَهِيَّةٍ تَحْكُمُ بَيْنَهُمْ وَتُنْهِيُّ لَهُمُ السَّبِيلَ.

إِنَّ الْإِنْسَانَ لَا يَسْتَطِعُ أَنْ يَعِيشَ كَإِنْسَانٍ إِلَّا بِشَرِيعَةٍ إِلَهِيَّةٍ، وَإِلَّا بُنُورٍ مِنْ رَبِّهِ. الْعَالَمُ كُلُّهُ ظَلَامٌ فِي ظَلَامٍ إِلَّا مَنْ أَشْرَقَ لَهُ نُورٌ مِنْ رَبِّهِ. وَذَلِكَ النُّورُ هُوَ نُورُ الْأَئِبَاءِ الَّذِي يَهُدِي بِهِ النَّاسُ. وَمَنْ لَمْ يَهُدِ بِهَذَا النُّورِ كَانَ فِي ضَلَالٍ يَخْبُطُ حَبْطَ عَشْوَاءً.

فَالْعَقَائِدُ - بَعْيَرِ هَذَا النُّورِ - أَوْهَامُ وَخُرَافَاتٌ يَضْحَكُ مِنْهَا الْأَطْفَالُ.

أَمَا سَمِعْتُمْ عَقَائِدَ الْمُشْرِكِينَ وَالْكُفَّارِ وَالْيَهُودِ وَالنَّصَارَى وَخُرَافَاتِهِمْ وَأَسَاطِيرِهِمْ؟!

وَالْعِلْمُ جَهْلٌ وَظَنٌّ وَتَخْمِينٌ وَشَكٌّ (إِنْ يَتَّسِعُونَ إِلَّا الظَّنُّ وَإِنَّ الظَّنَّ لَا يُغْنِي مِنَ الْحَقِّ شَيْئًا) {النَّجْم} -

.{28}

وَالْأَخْلَاقُ تَفْرِيطٌ وَإِفْرَاطٌ وَتَقْصِيرٌ وَإِسْرَافٌ، أَمَا رَأَيْتُمُ الَّذِينَ لَا يَتَّبِعُونَ الْأَئِبَاءَ كَيْفَ يَهْضِمُونَ الْحُقُوقَ وَكَيْفَ يُحَاوِزُونَ الْحُدُودَ وَكَيْفَ يَتَّبِعُونَ الْهَوَى؟!

وَالْحُكْمُ وَالسِّيَاسَةُ ظُلْمٌ وَاسْتِبْدَادٌ وَخَبْطٌ فِي أَمْوَالِ النَّاسِ وَحُقُوقِهِمْ وَدَمَائِهِمْ.

أَمَا رَأَيْتُمُ أُولَى الْأَمْرِ - مِمَّنْ لَا يَخَافُونَ اللَّهَ وَلَا يَتَّبِعُونَ الشَّرِيعَةَ - كَيْفَ يَخُونُونَ الْأَمَانَاتِ وَكَيْفَ يَعْبُثُونَ بِأَمْوَالِ اللَّهِ، وَكَيْفَ يَعْبُثُونَ بِدِمَاءِ النَّاسِ وَحُقُوقِهِمْ؟!

وَكَيْفَ اسْتَعْبَدُوا النَّاسَ وَجَعَلُوهُمْ شِيَعاً يَذْبَحُونَ رِجَالَهُمْ وَيَسْتَحْيُونَ نِسَاءَهُمْ، أَتَعْلَمُ كَمْ قُتِلَ فِي الْحَرْبِ الْأُولَى وَكَمْ قُتِلَ فِي الْحَرْبِ الشَّانِيَةِ؟!

فَالْعَالَمُ كُلُّهُ ظَلَامٌ فِي ظَلَامٍ إِلَّا مَنْ أَشْرَقَ لَهُ نُورٌ مِنْ رَبِّهِ.

(ظُلْمَاتٌ بَعْضُهَا فَوْقَ بَعْضٍ إِذَا أَخْرَجَ يَدَهُ لَمْ يَكُنْ يَرَاهَا وَمَنْ لَمْ يَجْعَلِ اللَّهَ لَهُ نُورًا فَمَا لَهُ مِنْ نُورٍ) {الْبَقْرَةَ - 40}. وَالنَّبِيُّ يُعَلِّمُ النَّاسَ كَيْفَ يَعْبُدُونَ اللَّهَ، وَكَذَلِكَ يُعَلِّمُهُمْ كَيْفَ يُعَالِمُ بَعْضُهُمْ بَعْضًا. وَالنَّبِيُّ يُعَلِّمُ النَّاسَ آدَابَ الْحَيَاةِ مَعَ آدَابِ الدِّينِ، وَيُعَلِّمُهُمْ آدَابَ الْأَكْلِ وَآدَابَ الشُّرُبِ وَآدَابَ النَّوْمِ وَآدَابَ الْمَجْلِسِ وَآدَابَ كُلِّ شَيْءٍ. وَيُعَلِّمُهُمْ الْآدَابَ كَمَا يُعَلِّمُ الْوَالِدُ الشَّفِيقُ أَبْنَاءَهُ الْأَعِزَّةَ.

وَالنَّاسُ كَالْأَطْفَالِ الصَّغَارِ يَحْتَاجُونَ فِي كِبَرِهِمْ إِلَى تَرْبِيَةِ الْأَئِبَاءِ أَكْثَرَ مِمَّا يَحْتَاجُونَ فِي صِغَرِهِمْ إِلَى تَرْبِيَةِ الْأَبَاءِ. وَالَّذِينَ لَمْ يَتَلَقَّوْا هَذِهِ التَّرْبِيَةِ النَّبِيَّةَ وَلَمْ يَتَعَلَّمُوا الْآدَابَ مِنَ الْأَئِبَاءِ كَأَشْجَارِ الْبَرِّيَّةِ، نَبَتَتْ وَنَشَأَتْ بِنَفْسِهَا فَيَرَى فِيهَا عِوَاجًا وَشَوْكًا وَفَسَادًا.

## 13

### Шариат

Бани Исроил энди ҳайвонча яшашдан одамларча яшашни бошлади. Улар чўлда хур, эркин эдилар.

Энди бу қавм илоҳий бир шариатга муҳтож эди. Токи улар мана шу шариат билан хукм қилсинлар, ҳаёт йўлларини ёритсинлар.

Инсон фақат илоҳий шариат ва Роббиси нури остидагина инсондек яшаши мумкин.

Оlam тим қора зулмат. Bu ерда Парвардигор томонидан берилган машъала зарур.

У Пайғамбарлар қўлидаги машъаладир. Одамлар у сабабли йўлларини топадилар.

Кимда-ким мана шу нур ортидан эргашмас экан, ҳаётда мудом кўр туядек адашиб юради.

Илоҳий нурдан ташқарида туриб тўқилган ақидалар болаларга эрмак бўладиган хурофотлардан бошқа нарса эмас.

Сиз мушрику кофирлар - турли адашган кимсалар ақидалари, хурофотлари ва афсоналарини эшитмаганмисиз?

Уларнинг илми жаҳолат, тахмин ва шубҳа-гумон асосига қурилган.

**«Улар фақат гумон-тахминга эргашурлар холос. Аниқ-ки, гумон ҳақиқатдан бирон нарсанинг ўрнига ўтмас!».**

Жоҳилий ахлоқ бу исроф, қосирлик, ҳаддан ошишлиқ ва сусткашликдир.

Пайғамбарлар йўлига эргашмаган кимсалар ўзгалар ҳак-хуқуқини bemalol ҳазм қилиб юборишганини кўрмаганмисиз.

Улар ҳавои нафслариға эргашиб ўз чегараларидан ташқарига чиқиб кетишади.

Хукм юргизиш, сиёsat эса зулм, истибодд ва кишилар моли-ю ҳақ-хуқларини топташдан иборат бўлади.

Аллоҳдан қўрқмайдиган, шариатга эргашмайдиган подшоҳлар ўз фуқаролари қонини беҳуда тўкишлари, ҳақ-хуқуқларини поймол этишлари, оманатларга хиёнат қилишларини наҳот билмасангиз?!

Қанча-қанча кишилар қуллик занжирига солинди. Инсонлар гуруҳ-гуруҳга ажратиб юборилди. Аёллар тирик қолдирилиб эрлар қилич тифидан ўтказилди

Сиз биринчи ва иккинчи жаҳон урушларида неча миллион инсоннинг ёстиғи қуритилганини биласизми?!

Дунё тим қора зулмат.

**«(Улар) устма-уст зулматлардир. У ўз қўлини чиқариб (қараса) кўришга яқин бўлмас. Кимга Аллоҳ нури (иймон) бермаса, бас, унинг (учун) ҳеч қандай нур бўлмас».**

Пайғамбарлар инсонларга қандай ибодат қилиш кераклигини ўргатиш билан бир қаторда уларга ўзаро муомала-муносабат ҳақида ҳам таълим берган.

Аллоҳ таоло элчиси дин одобидан ҳам, ҳаёт одобидан ҳам таълим берувчи муаллимдир. У инсонларга барча одобларни – ейиш, ичиш, ўтириш, ухлаш... одобларини ўргатади.

Гўё меҳрибон ота бўлиб ўзининг азиз жигарбандларига панд-насиҳат қиласиди.

Инсонлар Пайғамбарлар қаршисида гўдак мақомида турадилар. Улар гўдакликда оталари тарбиясига қанчалик мухтож бўлган бўлсалар, улғайган чоғларида Пайғамбар тарбиясига шунчалик мухтождирлар.

Нұбұват таълим-тарбиясидан бебаҳра қолған мана шу кимсалар ёввойи ҳолда үсган дарахтга үхшайдилар. Зеро парваришиң катта бўлган ўсимлик қинғир-қийшиқ, тиконли ва яроқсиз бўлиб ўсади.

## 14

## التوراة

وَأَرَادَ اللَّهُ أَنْ لَا يَضِيعَ بُنُو إِسْرَائِيلَ كَمَا ضَاعَتْ أُمُّ بَعْيِرِ كِتَابٍ وَهُدًى مِنَ اللَّهِ. وَأَرَادَ أَنْ لَا يَخْبِطُوا خَبْطًا عَشْوَاءَ كَمَا خَبَطَتْ أُمُّ خَبْطَ عَشْوَاءَ. أَمَرَ اللَّهُ مُوسَى أَنْ يَنْتَهِرَ وَأَنْ يَصُومَ ثَلَاثِينَ يَوْمًا ثُمَّ يَأْتِي إِلَى طُورِ سِينَاءِ حَتَّى يُكَلِّمَهُ رَبُّهُ وَيَتَلَقَّى كِتَابًا يَكُونُ لَهُمُ الْإِمَامَ.

إِحْتَارَ مُوسَى مِنْ قَوْمِهِ سَبْعِينَ رَجُلًا يَكُونُونَ عَلَى ذَلِكَ مِنَ الشَّاهِدِينَ، لَأَنَّ بَنِي إِسْرَائِيلَ قَوْمٌ جُحْدُ. (وَقَالَ مُوسَى لِأَخِيهِ هَارُونَ اخْلُفْنِي فِي قَوْمِي وَأَصْلِحْ وَلَا تَتَّبِعْ سَبِيلَ الْمُفْسِدِينَ) {الأعراف - 142}. لَأَنَّ الْجَمَاعَةَ لَا بُدَّ لَهَا مِنْ إِمَامٍ.

سَارَ مُوسَى لِمِيقَاتِ رَبِّهِ، وَلَكِنَّهُ حَتَّهُ الشَّوْقُ إِلَى رَبِّهِ فَتَعَجَّلَ وَسَبَقَ وَسَبَقَ إِلَى الطُّورِ. قَالَ اللَّهُ: (وَمَا أَعْجَلْكَ عَنْ قَوْمِكَ يَا مُوسَى؟). (قَالَ هُمْ أُولَاءِ عَلَى أَثْرِي وَعَجَلْتُ إِلَيْكَ رَبِّ لِتَرْضَى) {طه - 83-84}.

وَأَمَرَ اللَّهُ أَنْ يُتَمَّ مِيقَاتَ رَبِّهِ أَرْبَعِينَ لَيْلَةً. وَصَلَّ مُوسَى إِلَى طُورِ سِينَاءِ فَكَلَمَهُ رَبُّهُ وَنَاجَاهُ وَقَرَبَهُ وَأَدْنَاهُ، فَرَادَهُ ذَلِكَ شَوْفًا فَقَالَ:

(رَبِّ أَرِنِي أَنْظُرْ إِلَيْكَ) {الأعراف - 143}. وَاللَّهُ يَعْلَمُ أَنَّ مُوسَى لَا يَسْتَطِيعُ ذَلِكَ، لَأَنَّ اللَّهَ (لَا تُدْرِكُهُ الْأَبْصَارُ وَهُوَ يُدْرِكُ الْأَبْصَارَ وَهُوَ الْلَّطِيفُ الْخَبِيرُ) {الأنعام - 103}. وَإِنَّ الْجِبَالَ لَا يَسْتَطِيعُ أَنْ تَحْمِلَ كَلَامَهُ فَضَلًّا عَنْ نُورِهِ. (لَوْ أَنْزَلْنَا هَذَا الْقُرْآنَ عَلَى جَبَلٍ لَرَأَيْتَهُ خَاشِعًا مُتَصَدِّعًا مِنْ خَشْيَةِ اللَّهِ) {الحشر - 21}.

(قَالَ لَنْ تَرَانِي وَلَكِنِ النُّظُرُ إِلَى الْجَبَلِ فَإِنِ اسْتَقَرَ مَكَانَهُ فَسَوْفَ تَرَانِي). (فَلَمَّا تَجَلَّ رَبُّهُ لِلْجَبَلِ جَعَلَهُ دَكَّا وَخَرَّ مُوسَى صَعِقاً). (فَلَمَّا أَفَاقَ قَالَ سُبْحَانَكَ تُبْتُ إِلَيْكَ وَأَنَا أَوَّلُ الْمُؤْمِنِينَ). (قَالَ يَا مُوسَى إِنِّي أَصْطَفَيْتُكَ عَلَى النَّاسِ بِرِسَالَاتِي وَبِكَلَامِي فَخُذْ مَا آتَيْتُكَ وَكُنْ مِنَ الشَّاكِرِينَ) {الأعراف - 143 -

.} 144

أَخَذَ مُوسَى الْأَلْوَاحَ وَفِيهَا كُلُّ مَا يَحْتَاجُ إِلَيْهِ بُنُو إِسْرَائِيلَ مَوْعِظَةً وَتَفْصِيلًا لِكُلِّ شَيْءٍ. وَأَمَرَهُ اللَّهُ أَنْ يَأْخُذَهَا بِقُوَّةٍ وَيَأْمُرَ قَوْمَهُ أَنْ يَأْخُذُوا بِأَحْسَنَهَا. وَلَمَّا وَصَلَ مُوسَى إِلَى السَّبْعِينَ رَجُلًا مِنْ قَوْمِهِ وَأَخْبَرَهُمْ بِمَا أَنْعَمَ اللَّهُ عَلَيْهِ قَالُوا فِي وَقَاحَةٍ وَجَسَارَةٍ. (لَنْ تُؤْمِنَ لَكَ حَتَّى تَرَى اللَّهَ جَهْرًا) {البقرة - 55 .}

غَضِيبَ اللَّهِ عَلَى هَذِهِ الْوَقَاحَةِ وَالْجُرْأَةِ فَأَخَذَهُمُ الصَّاعِقَةُ وَهُمْ يَنْظُرُونَ. وَرَأَوْا أَنَّهُمْ لَا يَتَحَمَّلُونَ هَذِهِ الصَّاعِقَةَ الَّتِي خَلَقَهَا اللَّهُ فَكَيْفَ يَتَحَمَّلُونَ نُورَ اللَّهِ! وَدَعَا مُوسَى رَبَّهُ وَقَالَ: (رَبِّ لَوْ شِئْتَ أَهْلَكْتُهُمْ مِنْ قَبْلٍ وَإِيَّاهِي أَتَهْلِكُنَا بِمَا فَعَلَ السُّفَهَاءُ مِنَا؟!) {الأعراف - 155 .}

وَأَجَابَ اللَّهُ دُعَاءَهُ وَبَعَثَهُمْ مِنْ بَعْدِ مَوْتِهِمْ لَعَلَّهُمْ يَشْكُرُونَ.

## 14

### Таврот

Аллоҳ таоло Бани Исроилни китобсиз-ҳидоятсиз қавмлар каби адашиб-улоқиб кетишни истамади.

Уларни күр түядек тентираб юрадиган умматлардек бўлиб қолишдан асрамоқни ирода этди.

Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга покланиб 30 кун рўза тутишни, сўнгра Тур тоғига келишни буюрди. Аллоҳ таоло Тур тоғида Мусо алайҳиссаломга хитоб қилиши ва айнан шу ерда унга китоб нозил этиши керак эди.

Мусо алайҳиссалом қавмидан 70 кишини гувоҳ бўлсин деб ўзи билан бирга олиб кетди. Чунки Бани Исроил ўжар, ҳадеб ҳар нарсани кавлаштираверадиган қавм эди.

**«Мусо акаси Ҳорунга деди: «Қавмим устида менинг ўринбосарим бўлгин ва (агар ёмон амал қиласалар) тузатгин».**

**«Бузғунчи кимсалар йўлига эргашмагин».**

Чунки, жамоатга йўлбошчи керак.

Мусо алайҳиссалом Роббиларига нисбатан шавқ кучли бўлганидан ваъдалашилган жой, Тур тоғига ҳаммадан илгари етиб келдилар.

**Шунда Аллоҳ деди;**

**- «Қавмингдан мунчалар кўп илгарилааб кетдинг, эй Мусо!»**

**У айтди:**

**- «Улар ана изимдан келурлар. Мен эса сен рози бўлишинг учун шошдим, Парвардигорим!».**

Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга аҳдлашилган қирқ кунни тўлиқ қилишни буюрди. Мусо Тур тоғига етиб келгач Парвардигори билан гаплашди.

Аллоҳ таоло уни Ўзига яқин кишилардан қилди. Бундан тўлқинланиб кетган Мусо Аллоҳдан жамолини кўрсатишни сўради.

Лекин Мусо бунга дош беролмасди. Зоро, **«Кўзлар уни идрок қилолмас, У эса кўзларни идрок этар! У меҳрибон ва (ҳар нарсадан) огоҳ зотдир».**

Хатто буюк тоғлар Аллоҳ жамолини қўя туинг, Унинг каломини кўтаришга дош бера олмайди:

**«Агар биз ушбу Қуръонни бирон тоғға нозил қилганимизда албатта сиз у (*төз*)ни Аллоҳнинг қўрқувидан эгилиб, ёрилиб кетган ҳолда кўрган бўлур эдингиз».**

- «Сен Мени (*бу дунёда*) ҳаргиз кўролмайсан. Аммо мана бу тоқقا боқ (*Мен унга кўринурман*). Бас, агар у (*Мен кўринганимда*) ўрнашган жойида тура олса, сен ҳам мени кўражаксан».

**Қачонки, Парвардигори у тоқقا кўринган эди, уни майдамайда қилиб ташлади ва (*бу ҳолни кўрган*) Мусо ҳушсиз ҳолда йиқилди. Ўзига келганидан кейин эса деди:**

- «Пок Парвардигор (*ноўрин савол сўрашдан*) Ўзингга тавба қилдим. Энди мен (*сенинг нақадар буюк зот эканлигинга*) иймон келтирувчиларнинг аввали - пешқадамиман».

Аллоҳ айтди:

- «Эй Мусо, ҳақиқатан мен сени одамлар устида Пайғамбарим бўлишингга ва (*бевосита*) каломимни эшлишингга танлаб олдим. Бас, сенга ато этган нарсамни (*яъни Пайғамбарликни*) олгин ва шукр қилгувчилардан бўлгин!».

Мусо алайҳиссалом Бани Исроилга зарур бўлган батафсил баён ва маъruzалар битилган лавҳларни олди. Аллоҳ таоло уни қувват билан олиб, қавмини ўша нарсалардан энг яхшиларини олишга амр қилган эди.

Мусо танлаб олган 70 киши ёнига қайтиб Аллоҳ инъоми ҳақида сўз бошлаганида улар сурбетлик билан шундай дедилар;

- «Эй Мусо, Аллоҳни очик равshan кўрмагунимизча ҳаргиз сенга ишонмаймиз!».

Аллоҳ бу сурбетликларидан ғазабланди. Шунда уларни қараб турган ҳолларида чақмоқ урди.

Аллоҳ таоло яратган чақмоқни күтара олмаган кишилар у зотнинг нурига бардош бера олармидилар?!

Мусо алайҳиссалом Парвардигорига илтижо қилиб деди:

- «Парвардигорим, агар хоҳласанг уларни ҳам, мени ҳам илгари ҳалок қилсанг бўлур эди. Орамиздаги ақлсиз кимсаларнинг қилмишлари сабабли (энди) бизларни ҳалок қиласанми?!

Аллоҳ таоло Пайғамбарининг илтижоларини қабул қилди. Уларга қайтадан ҳаёт бахш этди. Шояд энди шукр қилсалар?!

## 15

### العجل

وَكَانَ بَنُو إِسْرَائِيلَ يَعِيشُونَ مَعَ الْمُشْرِكِينَ فِي مِصْرَ مُنْذُ قُرُونٍ. وَكَانَ الْأَقْبَاطُ يَعْبُدُونَ أَشْيَاءَ كَثِيرَةً فِي مِصْرَ وَبَنُو إِسْرَائِيلَ يَرَوْنَ ذَلِكَ بِعُيُونِهِمْ. وَزَالَتْ مِنْهُمْ كَرَاهَةُ الشَّرِكِ وَتَسَرَّبَ إِلَيْهِمْ حُبُّهُ كَمَا يَتَسَرَّبُ الْمَاءُ إِلَى بَيْتٍ وَاهِنٍ عَتِيقٍ.

وَكَانُوا كُلَّمَا وَجَدُوا فُرْصَةً اِنْحَدَرُوا إِلَى الشَّرِكِ كَمَا يَنْحَدِرُ الْمَاءُ إِلَى الْحَدُورِ. وَزَاغَتْ قُلُوبُهُمْ وَفَسَدَ ذَوْقُهُمْ فَإِنْ يَرَوْا سَبِيلًا الرُّشْدِ لَا يَتَخِذُوهُ سَبِيلًا وَإِنْ يَرَوْا سَبِيلًا الْغَيِّ يَتَخِذُوهُ سَبِيلًا. جَاءُوا الْبَحْرَ (فَأَتَوْا عَلَى قَوْمٍ يَعْكُفُونَ عَلَى أَصْنَامٍ لَهُمْ قَالُوا يَا مُوسَى اجْعَلْ لَنَا إِلَهًا كَمَا لَهُمْ آلِهَةٌ) {الأعراف - 138}.

وَغَضِبَ مُوسَى وَقَالَ: (إِنَّكُمْ قَوْمٌ تَجْهَلُونَ) {الأعراف - 138}.

يَا لِلْعَجَبِ! يَا لِلظُّلْمِ! إِنَّ اللَّهَ قَدْ أَنْعَمَ عَلَيْكُمْ وَفَضَّلَكُمْ وَآتَاكُمْ مَا لَمْ يُؤْتِ أَحَدًا مِنَ الْعَالَمِينَ. (أَغَيْرِ

اللَّهِ أَبْعِيْكُمْ إِلَهًا وَهُوَ فَضَّلَكُمْ عَلَى الْعَالَمِينَ) {الأعراف - 140}.

سَارَ مُوسَى إِلَى الطُّورِ وَغَابَ عَنْهُمْ أَيَّامًا فَكَانُوا صَيْدَ الشَّيْطَانِ وَفَرِيسَةَ الشَّرِكِ. قَامَ رَجُلٌ مِنْهُمْ يُقَالُ لَهُ

السَّامِرِيُّ (فَأَخْرَجَ لَهُمْ عِجَالًا جَسَدًا لَهُ خُوارٌ فَقَالُوا هَذَا إِلَهُكُمْ وَإِلَهُ مُوسَى فَنَسِيَ) {طه - 88} ..

وَفِتَنَ بَنُو إِسْرَائِيلَ بِهَذَا الْعِجْلِ وَخَرُوْرُوا عَلَيْهِ صُمَّاً وَعُمِيَّانًا.

(أَفَلَا يَرَوْنَ أَلَا يَرْجِعَ إِلَيْهِمْ قَوْلًا وَلَا يَمْلِكُ لَهُمْ ضَرًّا وَلَا نَفْعًا) {طه - 89}.

(أَلَمْ يَرَوْا أَنَّهُ لَا يُكَلِّمُهُمْ وَلَا يَهْدِيهِمْ سَبِيلًا) {الأعراف - 148} .  
وَنَهَاهُمْ هَارُونٌ عَنْ ذَلِكَ وَاجْتَهَدَ وَقَالَ: (يَا قَوْمِ إِنَّمَا فُسِّتُمْ بِهِ وَإِنَّ رَبَّكُمُ الرَّحْمَنُ فَاتَّبِعُونِي وَأَطِيعُوا  
أَمْرِي) {طه - 90} .

وَلَكِنَّ بَنِي إِسْرَائِيلَ كَانُوا مَفْتُونِينَ بِسُحْرِ السَّامِريِّ وَأَشْرِبُوا فِي قُلُوبِهِمُ الْعِجْلَ فَقَالُوا: (لَنْ نَبْرَحَ عَلَيْهِ  
عَاكِفِينَ حَتَّى يَرْجِعَ إِلَيْنَا مُوسَى) {طه - 91} .

## 15

### Бузоққа сиғиниш

Бани Исроил Мисрда анча вақт мушриклар билан бирга яшаган эди. Қибтийлар Мисрда жуда күп нарсага сиғинишларини Бани Исроил ўз кўзлари билан кўрадилар.

Шу боис Исроил фарзандлари аста-секин ширкдан нафратланмай қўйдилар. Худди эски уй деворларидан сув сизиб кирганидек улар қалбига ҳам ширк муҳаббати уй қура бошлади.

Озгина фурсат топилиши биланоқ мисли пастликка югураётган сувдек ширкка қараб чопишарди.

Қалблар бузилган, хоҳиш-истаклар нотўғри йўналишга бурилган эди. Ҳақ йўлни кўра-била туриб ташлаб кетардилар. Залолатга мудом қучоқ очардилар.

Бани Исроил Фиръавн таъқибидан қочиб Қизил дengиздан ўтиб кетди.

**«Сўнг улар бутларга сиғиниб турган бир қавм олдидан ўтдилар ва: «Эй Мусо, бизларга ҳам уларнинг илоҳлари каби худо қилиб (ясад) бер», дедилар».**

Уларнинг бу ноўрин тилакларидан Мусонинг жаҳли чиқди.

**- «Албатта сизлар билмайдиган қавмдирсизлар!».**

Во ажаб! Бу не зулм?! Ахир Аллоҳ ҳали дунёда ҳеч кимга бермаган неъматларини сизларга бермади-ми?

Ахир Аллоҳ таоло уларни бутун оламлардан афзал қилиб қўймадими?!

Мусо деди:

- «Мен, сизларни бутун оламлардан афзал қилиб қўйган Аллоҳдан ўзгани (яъни жонсиз бутни) сизларга худо қилиб бераманми?».

Мусо Парвардигори билан сўзлашмоқ учун Тур тогига қараб кетди. Бани Исроил Мусо кеттанидан сўнг шайтоннинг ови ва ширкнинг ўлжасига айланди.

Уларнинг орасида Сомирий деган бир бадбахт кимса ҳам яшарди.

«Сўнг (Сомирий ўша зеб-зийнатларни оловда эритиб, худди тирик бузоқ каби) овози бор ҳайкал-бузоқ (ясад) чиқариб берди. Сўнг (Сомирий ва унинг шериклари): «Сизларнинг ҳам, Мусонинг ҳам илоҳи шу эди, (Мусо) унутиб, (уни бошика ердан излагани кетибди), дедилар».

Бани Исроил қавми мана шу бузоқ билан фитналанди.

Улар кўр ва карларча бузоққа сифина бошладилар.

«Ахир унинг ўзларига бирон сўз қайтара олмаётганини ва бирон зиён ҳам, фойда ҳам етказишга қодир эмаслигини кўрмайдиларми?!

Ахир улар ўша (бузоқ) ўзларига сўзлай олмаслигини ва ҳидоят ҳам қила олмаслигини билмадиларми?!

**Холбуки (бузоққа сизинишиларидан) илгари Ҳорун уларни қаттиқ манъ қилиб:**

- «Эй қавмим, сизлар бу билан фақат имтиҳон қилиндинглар холос, (бас, у бузоққа сизинманглар!) Шакшубҳа йўқки, сизларнинг Парвардигорингиз ёлғиз Раҳмон

## Марҳаматли Аллоҳдир. Бас, менга эргашиналар ва амримга итоат қилинглар!»- деганди».

Лекин Сомирийнинг сехри билан алданиб, қалби бузок мұхаббатига йүғрилған Бани Исроил бу залолатидан қайтмади.

«Улар: «То бизларга Мусо қайтмагунича, унга (*шу бутга*) ибодат қилиб–сигинишдан ҳаргиз ажралмаймиз», деган әдилар».

### 16

#### العقاب

وَلَمَّا أَخْبَرَ اللَّهُ مُوسَى أَنَّ بَنِي إِسْرَائِيلَ أَضَلَّهُمُ السَّامِرِيُّ رَجَعَ إِلَى قَوْمِهِ غَضْبًا أَسْفًا. وَغَضِبَ عَلَى قَوْمِهِ وَغَضِبَ اللَّهُ عَلَى أَخْيَهِ هَارُونَ.

(قَالَ يَا هَارُونُ مَا مَنَعَكَ إِذْ رَأَيْتُهُمْ ضَلُّوا، أَلَا تَتَبَعَنَ أَفَعَصَيْتَ أَمْرِي) {طه – 92-93}.  
وَاعْتَذَرَ هَارُونُ وَقَالَ إِنِّي خَشِيتُ أَنْ تَقُولَ فَرَقْتَ بَيْنَ بَنِي إِسْرَائِيلَ وَلَمْ تَرْقُبْ قَوْلِي) {طه – 94}.

(إِنَّ الْقَوْمَ اسْتَضْعَفُونِي وَكَادُوا يَقْتُلُونِي). (قَالَ رَبِّ اغْفِرْ لِي وَلَاخِي وَادْخِلْنَا فِي رَحْمَتِكَ وَأَنْتَ أَرْحَمُ الرَّاحِمِينَ) {الأعراف – 150-151}.

ثُمَّ التَّفَتَ مُوسَى إِلَى السَّامِرِيِّ قَالَ: فَمَا حَطَبُكَ يَا سَامِرِيُّ؟ وَاعْتَرَفَ السَّامِرِيُّ بِجُرمِهِ وَقَالَ: (وَكَذَلِكَ سَوَّلْتُ لِي نَفْسِي). (قَالَ فَادْهَبْ فَإِنَّ لَكَ فِي الْحَيَاةِ أَنْ تَقُولَ لَا مِسَاسَ) {طه – 96-97}.  
وَعَاقِيَةُ مُوسَى بِالْإِنْفِرَادِ، يَمْشِي وَحْدَهُ وَيَعِيشُ وَحْدَهُ كَالْوَحْشَى لَا يَأْلُفُ وَلَا يُأْلِفُ. وَأَيُّ عِقَابٍ أَكْبَرٌ مِنْ هَذَا؟!

إِنَّ الَّذِي نَجَّسَ أَلْوَفًا مِنَ النَّاسِ بِالشَّرِكِ يَجِبُ أَنْ يَتَقَدَّرُهُ النَّاسُ وَيَنْبُدُوُهُ. إِنَّ الَّذِي فَرَقَ بَيْنَ اللَّهِ وَعِبَادِهِ يَجِبُ أَنْ يُفَرَّقَ بَيْنَهُ وَبَيْنَ النَّاسِ. إِنَّ الَّذِي دَعَا إِلَى الشَّرِكِ فِي أَرْضِ اللَّهِ مُذِنبٌ يَجِبُ أَنْ تَكُونَ الْأَرْضُ كُلُّهَا سِجْنًا لَهُ.

ثُمَّ التَّفَتَ مُوسَى إِلَى الْعِجْلِ الْمَلْعُونِ فَأَمَرَ بِإِحْرَاقِهِ فَأَحْرَقَ ثُمَّ نَفَصَهُ فِي الْبَحْرِ. وَرَأَى بُنُوْ إِسْرَائِيلَ مَصِيرَ الْعِجْلِ الْمَعْبُودِ وَرَأَوا ضَعْفَهُ وَعَجْزَهُ.

ثُمَّ التَّفَتَ مُوسَى إِلَى بَنِي إِسْرَائِيلَ وَقَالَ: (يَا قَوْمَ إِنَّكُمْ ظَلَمْتُمْ أَنفُسَكُمْ بِاتْخَادِكُمُ الْعِجْلَ فَتُوَبُوا إِلَى بَارِئِكُمْ فَاقْتُلُوا أَنفُسَكُمْ ذَلِكُمْ خَيْرٌ لَكُمْ عِنْدَ بَارِئِكُمْ) {البقرة - 54}.

وَكَذَلِكَ فَعَلُوا، وَقَتَلُ الَّذِينَ لَمْ يَعْبُدُوا الْعِجْلَ الَّذِينَ عَبَدُوهُ وَهَكَذَا تَابَ اللَّهُ عَلَيْهِمْ.

وَقَالَ اللَّهُ تَعَالَى: (إِنَّ الَّذِينَ اتَّخَذُوا الْعِجْلَ سَيِّنَالُهُمْ غَضَبٌ مِنْ رَبِّهِمْ وَذَلَّةٌ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَكَذَلِكَ نَجْزِي الْمُفْتَرِينَ) {الأعراف - 152}.

وَكَذَلِكَ عَبَادُ الْعِجْلِ إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ وَكَذَلِكَ الْمُشْرِكُونَ إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ!

## 16

## Жазо-укубат

Аллоҳ таоло Мусога қавмининг Сомирий сехри билан фитналанганини маълум қилди.

Мусо ғоят хафа бўлиб, ғазабланиб қайтди.

У Аллоҳ учун қавмига ва оғаси Ҳорунга ғазаб қилди.

«(Мусо қайтиб келгач) деди:

- «Эй Ҳорун, сен уларнинг йўлдан озганларини кўрган пайтингда менинг ортимдан боришингдан (ва менга бу ҳақда хабар беришингдан) сени нима тўсди?! Менинг амримга итоатсизлик қилдингми?!»

Ҳорун узр айтиб:

«Мен (агар бузоққа сигинаётганларни қўйиб, йўлдан озмаган кишилар билан сенинг ортингдан борсан) менинг сўзимни кутмай, Бани Исроилни бўлиб юборибсан, дейишингдан кўркдим».

«Бу қавм мени хўрлаб, ўлдиришларига оз қолди».

(Мусо) деди:

- «Парвардигорим, мени ва биродаримни ўзинг мағфират қилгайсан ва бизни ўз раҳматингга доҳил қилгайсан.

Ўзинг раҳм қилгувчиларнинг раҳмлироғисан».

Сўнг Мусо Сомирийга юзланди;

- Эй Сомирий! Бу нима қилганинг?!

Сомирий ўз гуноҳига иқрор бўлиб:

**«Менга нафсим ана шундай қилишни чиройли кўрсатди»,**  
деди.

(Мусо) деди:

- «**Бас йўқол!** Энди сен учун ҳаётда **«Менга тегманлар»,**  
**дайишгина бордир,** (яъни умрингнинг охиригача яккамохов  
бўлиб қолурсан)».

Мусо уни шундай яккамохов қилиш билан жазолади.

Энди Сомирий то ажали етгунича ваҳший ҳайвондай одамлардан йироқда бир ўзи юради ва бир ўзи яшайди. У улфат бўлмайди ва унга улфат ҳам бўлинмайди.

Инсон учун бундан ҳам қаттиқ жазо борми дунёда?!!

Минглаб кишиларни ширк балчиғи ила булғатган кимсадан ҳазар қилмоқ лозимдир. Аллоҳ билан бандалари ўртасини ажратмоқчи бўлган кимса яккамохов қилинмоғи шарт.

Аллоҳ ерида туриб унга ўзгаларни шерик қилишга чақирган гуноҳкор кимса учун бутун ер юзи зиндан бўлмоғи керак.

Мусо Сомирий ясаган лаънати бузоққа қараб, уни ўтда ёндириб, сўнг кулинни дengизга сочиб юборишни буюрди.

Бани Исроил ўзларига маъбуда бўлган бузоқнинг охир-оқибат бир ҳовуч кул эканини ҳамда заифлигию, ожизлигини кўрдилар.

Мусо Бани Исроилга қараб хитоб қилди:

**«Қавмим, сизлар бузоққа ибодат қилиш билан үзингизга зулм қилдингиз. Энди үзингизни (бир-бириңизни) үлдириш билан сизни бор қилгувчи зотга тавба қиласиз. Бор қилгувчи зот назда мана шу (қатл) сизлар учун хайрлироқдир».**

Бузоққа сиғинмаган кишилар бузоққа сиғиниб кетганларни қатл қилдилар. Аллоҳ таоло улар тавбасини мана шундай қабул этди.

Аллоҳ таоло деди:

**«Шубҳасиз, бузоқни («худо» қилиб) ушлаган кимсаларга Парвардигорлари тарафидан ғазаб ва ҳаёти дунёда хорзорлик етар. (Аллоҳ шаънига) ёлғон түқувчи кимсаларни мана шундай жазолаймиз».**

Бузоққа қул бўлган кимсаларнинг ҳоли, шунингдек мушрикларнинг ҳоли то қиёматга қадар мана шундай бўлади.

## 17

### جن بنى إسرائيل

نَشَأَ بُنُو إِسْرَائِيلَ عَلَى الْعُبُودِيَّةِ فِي مِصْرَ، وَعَلَى الدُّلُّ وَالْهُوَانِ وَشَبَّ عَلَيْهِ الْأَطْفَالُ وَشَابَ عَلَيْهِ الشُّبَانُ.  
وَبَرَدَ فِي عُرُوقِهِمُ الدَّمُ. وَأَصْبَحُوا لَا يَحْلِمُونَ بِسِيَادَةٍ وَلَا يَتَحَدَّثُونَ بِغَزْوٍ وَلَا جَهَادٍ.  
كَانَ بُنُو إِسْرَائِيلَ يَقْضُونَ أَيَّامَهُمْ فِي الْعُرْبَةِ لَيْسَ لَهُمْ وَطَنٌ وَلَا حُكْمٌ. فَأَرَادَ مُوسَى بِوَحْيِ اللَّهِ أَنْ  
يَدْخُلُوا الْأَرْضَ الْمُقَدَّسَةَ وَيَسْكُنُوا فِيهَا مُلُوكًا أَحْرَارًا. وَلَكِنَّ مُوسَى كَانَ يَعْرُفُ طَبِيعَةَ الْجُنُبِ وَالضَّعْفِ فِي  
بَنِي إِسْرَائِيلَ. فَأَرَادَ أَنْ يُشَوِّقَهُمْ وَأَنْ يُهَوِّنَ عَلَيْهِمُ الْأَمْرَ. لَأَنَّ الْأَرْضَ الْمُقَدَّسَةَ قَدْ اسْتَولَى عَلَيْهَا قَوْمٌ جَبَارُونَ  
أُولُو قُوَّةٍ وَأُولُو بَأْسٍ شَدِيدٍ. وَلَا يَدْخُلُ بُنُو إِسْرَائِيلَ الْأَرْضَ الْمُقَدَّسَةَ حَتَّى يُخْرِجُوهُم مِنْهَا هَؤُلَاءِ الْجَبَارِينَ.  
فَذَكَرَ نَعَمَ اللَّهِ عَلَيْهِمْ وَمَا فَضَّلَهُمْ بِهِ عَلَى الْعَالَمِينَ، حَتَّى يَنْشَطُوا لِلْجِهَادِ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَحَتَّى يَكْرُهُوهُوا هَذِهِ  
الْحَيَاةَ النَّذِلِيَّةَ غَيْرَ الْإِثْقَةَ.

(وَإِذْ قَالَ مُوسَى لِقَوْمِهِ يَا قَوْمِ اذْكُرُوا نِعْمَةَ اللَّهِ عَلَيْكُمْ إِذْ جَعَلَ فِيْكُمْ أَنْبِيَاءَ وَجَعَلَكُمْ مُلُوكًا وَآتَاكُمْ مَا لَمْ يُؤْتِ أَحَدًا مِنَ الْعَالَمِينَ) {المائدة - 20}.

ثُمَّ قَالَ لَهُمْ إِنَّ أَمَامَكُمُ الْأَرْضَ الْمُقدَّسَةَ فَلَيْسَ لَكُمْ إِلَّا أَنْ تَقُومُوا وَتَتَنَزَّلُوهَا مِنْ أَعْدَائِكُمْ. وَإِنَّ اللَّهَ إِذَا كَتَبَ لِأَحَدٍ شَيْءًا وَقَدَرَهُ لَهُ فَقَدْ هَانَ عَلَيْهِ أَنْ يَأْخُذَهُ فَلَا رَادَّ لِقَضَاءِ اللَّهِ. (يَا قَوْمِ ادْخُلُوا الْأَرْضَ الْمُقدَّسَةَ الَّتِي كَتَبَ اللَّهُ لَكُمْ) {المائدة - 21}.

وَخَافَ أَنْ يَعْلَمُهُمْ طِبَّعَةُ الْجُنُبِ فَقَالَ: (وَلَا تَرْتَدُوا عَلَى آدْبَارِكُمْ فَتَنَقَّلُوا خَاسِرِينَ) {المائدة - 21}.

وَوَقَعَ مَا كَانَ يَحْذِرُهُ مُوسَى، فَكَانَ جَوَابُهُمْ عَلَى كُلِّ مَا قَالَ مُوسَى. (يَا مُوسَى إِنْ فِيهَا قَوْمًا جَبَارِينَ وَإِنَّا لَنْ نَدْخُلُهَا حَتَّى يَخْرُجُوا مِنْهَا) {المائدة - 22}.

وَقَالُوا فِي وَقَارِ وَسُكُونٍ: (فَإِنْ يَخْرُجُوا مِنْهَا فَإِنَّا دَاخِلُونَ). (قَالَ رَجُلَانِ مِنَ الَّذِينَ يَخَافُونَ أَعْمَالَ اللَّهِ عَلَيْهِمَا اذْخُلُوا عَلَيْهِمُ الْبَابَ فَإِذَا دَخَلْتُمُوهُ فَإِنَّكُمْ غَالِبُونَ وَعَلَى اللَّهِ فَتَوَكَّلُوا إِنْ كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ) {المائدة - 23-22}.

وَلَكِنَّ ذَلِكَ لَمْ يُؤْثِرْ فِيهِمْ وَقَالُوا: إِذَا كَانَ لَا بُدًّا مِنَ الدُّخُولِ فَادْخُلْ أَنْتَ بِمُعْجِزَةِ، فَإِذَا سَمِعْنَا أَنَّكَ قَدْ دَخَلْتَهَا، جَعْنَا فَدَخَلْنَا تَحْنُ أَيْضًا آمِنِينَ سَالِمِينَ. (قَالُوا يَا مُوسَى إِنَّا لَنْ نَدْخُلُهَا أَبَدًا مَا دَامُوا فِيهَا فَادْهَبْ أَنْتَ وَرَبُّكَ فَقَاتِلَا إِنَّا هَاهُنَا قَاعِدُونَ) {المائدة - 24}.

هُنَالِكَ غَضِيبٌ مُوسَى وَيَسِّرْ مِنْ هَؤُلَاءِ. (قَالَ رَبِّ إِنِّي لَا أَمْلِكُ إِلَّا نَفْسِي وَأَخِي فَافْرُقْ بَيْنَنَا وَبَيْنَ الْقَوْمِ الْفَاسِقِينَ).

(قَالَ فِإِنَّهَا مُحرَّمَةٌ عَلَيْهِمْ أَرْبَعِينَ سَنَةً يَتَهُونَ فِي الْأَرْضِ فَلَا تَأْسَ عَلَى الْقَوْمِ الْفَاسِقِينَ) {المائدة - 26-25}.

وَفِي هَذِهِ الْمُدَّةِ يَمُوتُ هَذَا الْجِيلُ الَّذِي نَشَأَ فِي مِصْرَ عَلَى الْعُبُودِيَّةِ وَالذُّلُّ. وَيَنْشَأُ جِيلٌ آخَرُ يَنْشَأُ فِي هَذَا التَّيِّهِ عَلَى الشَّدَّةِ وَالْعُسْرِ، وَتَلْكَ أَمَّةُ الْمُسْتَقْبَلِ وَهَذَا هُوَ مَصِيرُ الْيَهُودِ فِي كُلِّ زَمَانٍ أُمَّةٌ تَائِهَةٌ تَعِيشُ عَلَى الْعُبُودِيَّةِ وَالذُّلُّ.

## **Бани Исроилнинг қўрқоқлиги**

Мисрда Бани Исроил қул эди. Уларнинг болалари ҳам йигитлари ҳам қул бўлиб ўси. Хорлик ва озорларга кўнишиб кетган Бани Исроил йигитларининг қони қайноқ эмасди.

Улар жанг қилишни, ўзлари ўзларига ҳоким бўлишни унутиб юборган эдилар. Исроил фарзандлари хор-зор бўлиб, беватан ва ҳукмронсиз юришга одатланиши. Аллоҳ ваҳийси билан Мусо алайҳиссалом Исроил фарзандлари муқаддас заминга қадам қўйиб, у ерда ҳур ва шоҳ ҳолда яшашларини ирода қилдилар.

Лекин қавмининг табиатидаги қўрқоқликдан Мусо хабардор эди.

Уларнинг у ерга нисбатан шавқларини ошириш мақсадида, ишни енгил кўрсатишни хоҳлади.

Муқаддас заминни куч-куватли, зўравон кимсалар эгаллаб олган эди.

Бани Исроил муқаддас заминдан то зўравон кимсалар чиқиб кетишмагунича кирмасдилар.

Мусо қавмини шаҳарга-муқаддас заминга киришга ундей бошлади. Уларга Аллоҳнинг Бани Исроилга берган неъматларини эслатди. Бутун оламлардан афзал қилинганикларини айтди. Зора Бани Исроил лойик бўлмаган бу хор ҳаётдан кечиб Аллоҳ йўлида урушга отланса!

Лекин то шаҳардан зўравон кимсалар чиқиб кетмагунича яхудийлар у ерга киришга рози бўлмасди.

**«Мусо қавмига деди:**

- «Эй қавмим, Аллоҳнинг сизларга берган неъматини - орангиздан пайғамбарлар чиқарганини, яна сизларни мулку давлат эгалари қилиб, барча оламлар ичра бирон

**кишига бермаган инъомларни сизларга ато этганини ёдга олингиз».**

- Қаршингизда муқаддас замин турибди. Сизлар ўрнингиздан туриб, уни душманларингиздан тортиб олмоғингиз лозим. Агар Аллоҳ кишининг пешонасига бир неъматга етишишни ёзган бўлса, уни қўлга киритишни осон қилиб қўяди. Зеро Аллоҳ тақдирини қайтаргувчи йўқдир.

- «**Эй қавмим, Аллоҳ сизлар учун ёзиб кўймиш бу муқаддас ерга (шаҳарга) кирингиз!**».

Улардаги қўрқоқ табиат ғолиб келишидан қўрқиб:

**«Ортларингизга қайтиб кетмангиз, акс ҳолда зиён кўрувчиларга айланиб қолурсиз», деганида;**

Мусо алайҳиссалом қўрқкан нарса содир бўлди. Мусо алайҳиссаломнинг барча айтган нарсаларига қуйидагича жавоб қилишди.

- Улар: «**Ё Мусо, у ерда зўравон одамлар бор. То улар чиқмагунларича биз у ерга зинҳор кира олмаймиз. Агар улар чиқиб кетсаларгина биз дохил бўлурмиз», дедилар.**

Улар викор ва сукунат билан:

**«Агар улар чиқсалар, биз кирувчи дирмиз», дедилар.**

(Шунда ўн икки бошлиқ орасидан) Аллоҳдан қўрқадиган ва унинг инъом-марҳаматига мұяссар бўлган икки киши:

- «**Уларнинг устига дарвозадан тўсатдан кирингиз, ундан кириб олишингиз биланоқ шубҳасиз ғолиб бўлурсиз. Агар мўмин бўлсангизлар, ёлғиз Аллоҳгагина суюнинглар!**» дедилар».

Лекин бу гап ҳам Бани Исроилга таъсир қилмади.

- Эй Мусо, дейишиди улар - Агар шу шаҳарга киришимиз жуда шарт бўлса, сен ўзинг бир мўъжиза билан кириб ола қол. Агар

сенинг кирганингни эшитсак, кейин биз ҳам ЭМИН-ЭРКИН кираверамиз.

**«(Қавм) айтди:**

- Ё Мусо, модомики улар шу жойда әкан, биз ҳеч қачон кира олмагаймиз. Бас, боргин, сен ўзинг ва Парвардигоринг улар билан уришаверинглар. Биз эса мана шу ерда ўтириб кутурмиз».

Мусо алайхиссаломнинг қавмидан ҳафсаласи пир бўлди.

**«Мусо айтди:**

- Парвардигорим, мен фақат ўзимга ва биродарим (*Хорунга*) эгаман холос. Бас, Ўзинг биз билан бу итоатсиз қавмнинг орасини ажратгин.

**Аллоҳ деди:**

- «Энди қирқ йил мобайнида бу ер улар учун ҳаромдир. Улар ерда (*саҳроларда*) адашиб-улоқиб юрурлар. Сен бу итоатсиз қавм қилмишидан маҳзун бўлмагин».

Мана шу муддат ичида Мисрда қуллик ва хорликда ўсиб улғайган авлод дунёдан ўтиб кетарди.

Сўнг янги авлод дунёга келади. Бу авлод саргардонликда қийналиб катта бўлади. У келажак авлодлари.

Бани Исройл оқибати ҳамиша мана шундай. Улар мудом адашиб-улоқиб хорликда яшаб ўтадилар.

## 18

### في سبيل العلم

عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: قَامَ مُوسَى خَطِيبًا فِي بَنِي إِسْرَائِيلَ فَسَأَلَ:

أَيُّ النَّاسِ أَعْلَمُ؟ فَقَالَ: أَنَا أَعْلَمُ! فَعَتَبَ اللَّهُ عَلَيْهِ إِذْ لَمْ يَرِدَ الْعِلْمَ إِلَى اللَّهِ! فَأَوْحَى اللَّهُ إِلَيْهِ أَنَّ عَبْدًا مِنْ عِبَادِي بِمَجْمَعِ الْبَحْرَيْنِ هُوَ أَعْلَمُ مِنْكَ. قَالَ رَبٌّ كَيْفَ بِهِ؟ فَقِيلَ لَهُ: إِحْمِلْ حُوتًا فِي مِكْتَلٍ (رَبِّيْلٍ) فَإِذَا فَقَدَتْهُ فَهُوَ ثَمَّ.

فَانطَّلَقَ وَانطَّلَقَ بِفَتَاهُ يُوشَعَ بْنَ ثُوْنٍ وَحَمَلَ حُوتًا فِي مِكْتَلٍ حَتَّى كَانَ اعِنْدَ الصَّخْرَةِ وَضَعَاعُ رُؤُوسَهُمَا فَنَامَا: فَانسَلَ الْحُوتُ مِنَ الْمِكْتَلِ فَاتَّخَذَ سَبِيلَهُ فِي الْبَحْرِ سَرَّبًا (مَسْلِكًا). وَكَانَ لِمُوسَى وَفَتَاهُ عَجَّبًا. فَانطَّلَقَا بِقِيَّةٍ لِيَلْتَهِمَا وَيَوْمَهُمَا. فَلَمَّا أَصْبَحَ قَالَ مُوسَى لِفَتَاهُ: آتَنَا غَدَاءَنَا لَقَدْ لَقِينَا مِنْ سَفَرِنَا هَذَا نَصِّبًا (تَعَبًا). وَلَمْ يَجِدْ مُوسَى مَسَا مِنَ النَّصَبِ حَتَّى جَاوَزَ الْمَكَانَ الَّذِي أُمِرَ بِهِ.

فَقَالَ لَهُ فَتَاهُ: أَرَأَيْتَ إِذْ أَوْتَنَا إِلَى الصَّخْرَةِ فَإِنِّي نَسِيَتُ الْحُوتَ. قَالَ مُوسَى: ذَلِكَ مَا كُنَّا نَبْغِي! فَارْتَدَّا عَلَى آثَارِهِمَا قَصَصَا. فَلَمَّا اتَّهَيَا إِلَى الصَّخْرَةِ إِذَا رَجُلٌ مُسَعَّدٌ (مُعَطَّى) يَثْوُبُ فَسَلَّمُ مُوسَى. فَقَالَ الْخَضِيرُ: وَأَنَّى يَأْرِضِيكَ السَّلَامُ؟ فَقَالَ: أَنَا مُوسَى! فَقَالَ: مُوسَى بْنِي إِسْرَائِيلَ؟ قَالَ: نَعَمْ! قَالَ مُوسَى: هَلْ أَتَبْعُكَ عَلَى أَنْ تُعْلَمَنِي مِمَّا عَلِمْتَ رُشْدًا؟ قَالَ: إِنَّكَ لَنْ تَسْتَطِعَ مَعِيَ صَبَرًا! يَا مُوسَى إِنِّي عَلَى عِلْمٍ مِنْ عِلْمِ اللَّهِ عَلَمْنِي لَا تَعْلَمُهُ أَنْتَ، وَأَنْتَ عَلَى عِلْمٍ عَلَمَكُهُ اللَّهُ لَا أَعْلَمُهُ!

قَالَ مُوسَى: سَتَجِدُنِي إِنْ شَاءَ اللَّهُ صَابِرًا وَلَا أَعْصِي لَكَ أَمْرًا. فَانطَّلَقَا يَمْسِيَانِ عَلَى سَاحِلِ الْبَحْرِ لَيْسَ لَهُمَا سَفِينَةٌ فَمَرَّتْ بِهِمَا سَفِينَةٌ فَكَلَمُوهُمْ أَنْ يَحْمِلُوهُمَا.

فَعْرُوفُ الْخَضِيرُ فَحَمَلُوهُمَا بِعِيْرِ نَوْلٍ (أَحْرَة). فَجَاءَ عُصْفُورٌ فَوَقَعَ عَلَى حَرْفِ السَّفِينَةِ، فَنَقَرَ نَقْرَةً أَوْ نَقْرَتَيْنِ مِنَ الْبَحْرِ. فَقَالَ الْخَضِيرُ: يَا مُوسَى مَا نَقَصَ عِلْمِي وَعِلْمُكَ مِنْ عِلْمِ اللَّهِ إِلَّا كَنْفَرَةٌ هَذَا الْعُصْفُورُ فِي الْبَحْرِ.

فَعَمَدَ الْخَضِيرُ إِلَى لَوْحٍ مِنْ الْوَاحِ السَّفِينَةِ فَنَزَعَهُ. فَقَالَ مُوسَى: قَوْمٌ حَمَلُونَا بِعِيْرِ نَوْلٍ عَمَدْتَ إِلَى سَفِينَتِهِمْ فَخَرَقْتَهَا لِتُعْرِقَ أَهْلَهَا؟

فَقَالَ الْخَضِيرُ: أَلَمْ أَقْلُ إِنَّكَ لَنْ تَسْتَطِعَ مَعِيَ صَبَرًا؟! قَالَ مُوسَى: لَا تُؤَاخِدْنِي بِمَا نَسِيَتُ وَلَا تُرْهِقْنِي مِنْ أَمْرِي عُسْرًا. فَكَانَتِ الْأُولَى مِنْ مُوسَى نَسِيَانًا.

فَانطَّلَقَا فَإِذَا بُعْلَامٌ يَلْعَبُ مَعَ الْعِلْمَانِ فَأَخَذَ الْخَضِيرُ بِرَأْسِهِ مِنْ أَعْلَاهُ فَاقْتَلَعَ رَأْسُهُ بِيَدِهِ. فَقَالَ مُوسَى: أَقْتَلْتَ نَفْسًا زَكِيَّةً بِعِيْرِ نَفْسٍ! قَالَ: أَلَمْ أَقْلُ لَكَ إِنَّكَ لَنْ تَسْتَطِعَ مَعِيَ صَبَرًا؟! فَانطَّلَقَا حَتَّى إِذَا أَتَيَا أَهْلَ قَرْيَةٍ اسْتَطَعُمَا أَهْلَهَا فَأَبْوَا أَنْ يُضَيِّفُوهُمَا فَوَجَدَا فِيهَا جَدَارًا يُرِيدُ أَنْ يَنْقَضَّ.

قَامَ الْخَضِيرُ بِيَدِهِ فَأَفَامَهُ. فَقَالَ مُوسَى: لَوْ شِئْتَ لَا تَخْدُنَتَ عَلَيْهِ أَجْرًا! فَقَالَ: هَذَا فِرَاقٌ بَيْنِي وَبَيْنَكَ!

قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: (يَرْحَمُ اللَّهُ مُوسَى لَوْدِدُنَا لَوْ صَبَرَ حَتَّى يُقَصَّ عَلَيْنَا مِنْ أَمْرِهِمَا!).

## 18

### Илм йўлида

Набий соллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилинади:

Бир куни Мусо Бани Исройл орасида хутба қилаётганда ундан «Дунёда энг илмли ким?», деб сўрашди.

Мусо: "Энг илмлиси менман", деди.

Мусонинг «Энг илмли зот Аллоҳдир!» демаганлиги учун Парвардигори олам унга танбех берди.

Аллоҳ таоло Мусога ваҳий қилди:

- Икки денгиз кўшиладиган жойдаги бир бандам сендан илмлироқ.

Мусо сўради:

- Парвардигор, мен у бандангни қандай топаман?

Унга айтилди:

- Сен саватга бир балиқ солиб йўлга туш. Каерда балиқни йўқотсанг уни ўша ердан топасан.

Мусо Юша ибн Нун исмлик йигити билан саватда балиқ кўтариб йўлга тушди. Улар бир қоятош олдида тўхтаб, уни бошларига қўйиб уйқуга кетдилар. Шунда балиқ саватдан чиқиб денгизга шўнғиди.

Мусо ҳам, хизматкор йигит ҳам ҳеч нарсани сезмасдан ажабланганча қолишиди. Улар яна қолган тунги ва кундузги йўлларида давом этишди.

Тонг отгач, Мусо Юша ибн Нунга буюрди:

- Нонуштамизни келтир! Дарҳақиқат биз бу сафаримизда жуда толиқдик.

Улар тўхташлари керак бўлган жойдан ўтиб кетмагунларига қадар сира қийналмаган эдилар.

- Қоятош ёнида тўхтаганимизни эслайсизми?- деди Юша – Ана ўша ерда балиқни унугиб қолдирибман.

- Ахир, биз излаётган нарса ҳам шу эди-ку! -деди Мусо.

Улар келган излари бўйлаб орқага қайтдилар.

Дам олган қоятошлари ёнига етганларида у ерда кийимиға ўралган бир кишини учратиши.

Мусо унга салом берди.

- Сенинг юртингда бу салом қаердан бўлсин? деди Ҳизр.

- Мен Мусоман.

- Бани Исройлнинг Мусосими?

- Ҳа. Сизга билдирилган илмдан менга ҳам таълим беришингиз учун сизга эргашсам майлими?

- Мен билан бирга юришга сабр қилолмайсан. Эй Мусо, Аллоҳ менга шундай бир илм берганки, сен уни билмайсан. Сенга ҳам бир илмни Аллоҳ берганки, мен уни билмайман.

- Иншаоллоҳ, сиз менинг сабрли кишилардан эканимга ўзингиз амин бўласиз. Мен ҳеч бир ишда сизга қарши чиқмайман.

Мусо билан Ҳизр денгиз соҳили бўйлаб юриб кетиши.

Уларда кема йўқ эди. Баногоҳ денгиздан кема ўтиб қолди. Улар кемадагилардан ўzlари билан бирга олиб кетишларини гаплашиши.

Кемадагилар Ҳизрни таниганликлари учун ҳеч қандай ҳақ олмасдан Мусо иккисини кемага ўтқиздилар.

Иттифоқо, кема четига бир чумчук келиб қўнди-да, денгиз сувидан бир-икки чўқинди.

Шунда Ҳизр Мусога деди:

Эй Мусо, сенинг ҳам, менинг ҳам илмим Аллоҳ илми олдида мана шу денгиздан чумчуқнинг бир чўқишичалик холос.

Тўсатдан Ҳизр кема тахталаридан бирини суғуриб олиб кемани чўқтиришга қасд қилди.

Мусо деди:

- Улар биздан ҳеч қандай ҳақ олмасдан кемаларига чиқарсалар-у, сиз одамларни чўқтириш учун кемани тешасизми?

- Мен сенга «Мен билан юришга сабр қилолмайсан,» демабмидим?!

- Унутиб қўйганим учун мени айбламанг ва бу ишим сабабли мени оғир ҳолга солманг.

Бу Мусонинг биринчи унутиши эди.

Улар кемадан тушиб йўлларида давом этишиди.

(Қаршиларидан бир тўп бола чиқди.) Баногоҳ Ҳизр болалар билан ўйнаб юрган бир болани бошининг тепа қисмидан ушладида, қўли билан шартта узиб ташлади.

- Ҳеч кимни ўлдирмаган, бегуноҳ бир боланинг қонини тўқдингиз-ку?!

Мен сенга «Мен билан бирга юришга сабр қилолмайсан» демабмидим?

(Мусо яна узр сўради).

Улар бир қишлоққа кириб боришиди. Қишлоқ ахлидан таом сўраган эдилар, уларни меҳмон қилишдан бош тортишиди. Қишлоқда йиқилиб кетай деб турган бир деворни Ҳизр алайҳиссалом тиклаб қўйди.

Мусо алайхиссалом яна ўзларини тўхтата олмадилар:

- Агар хоҳлаганингизда, бу ишингиз учун улардан ҳақ олсангиз бўларди.

- Мана шу сен билан менинг ажрашишимиздир.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар:

«Аллоҳ Мусони Ўз раҳматига олсин. Қани эди, Мусо сабр қилганида-ю, иккисининг қиссаси бизга (тўла) хикоя этилганда».

19

التأویل

ثُمَّ نَبَأَ الْخَضِرُ مُوسَىٰ . فَقَالَ :

أَمَّا السَّفِينَةُ فَكَانَتْ لِمَسَاكِينَ يَعْمَلُونَ فِي الْبَحْرِ فَأَرْدَتُ أَنْ أَعْيَبَهَا وَكَانَ وَرَاءَهُمْ مَلِكٌ يَأْخُذُ كُلًّا سَفِينَةً (صَالِحَةً) غَصِّبًا .

وَأَمَّا الْعَلَامُ فَكَانَ أَبْوَاهُ مُؤْمِنِينَ فَخَشِينَا أَنْ يُرْهِقُهُمَا طُعِيَّانًا وَكُفُرًا . فَأَرَدْنَا أَنْ يُبَدِّلَهُمَا رَبُّهُمَا خَيْرًا مِنْهُ زَكَاتًّا وَأَقْرَبَ رُحْمًا .

وَأَمَّا الْجَدَارُ فَكَانَ لِعَلَامِينَ يَتَيمَّينِ فِي الْمَدِينَةِ وَكَانَ تَحْتَهُ كَنْزٌ لَهُمَا ، وَكَانَ أَبُوهُمَا صَالِحًا، فَأَرَادَ رَبُّكَ أَنْ يَيْلُغا أَشْدَهُمَا وَيَسْتَخْرِجَا كَنْزَهُمَا رَحْمَةً مِنْ رَبِّكَ . وَمَا فَعَلْتُهُ عَنْ أَمْرِي، ذَلِكَ تَأْوِيلٌ مَا لَمْ تَسْطِعْ عَلَيْهِ صَبَرًا .

هُنَالِكَ عَرَفَ مُوسَىٰ أَنَّ أَحَدًا لَا يَسْتَطِيعُ أَنْ يُحِيطَ بِعِلْمِ اللَّهِ وَأَنَّ بَعْضَ عِلْمِهِ عِنْدَ بَعْضٍ وَبَعْضَهُ عِنْدَ بَعْضٍ، وَفَوْقَ كُلِّ ذِي عِلْمٍ عَلَيْمٌ .

## Шарҳ ва таъвили

Сўнг Ҳизр алайҳиссалом Мусога деди:

**«Энди мен сени сабр қилишга тоқатинг етмаган нарсаларнинг таъвили (*шарҳи*)дан огоҳ қилурман.**

**Кема хусусига келсак, у денгизда ишлайдиган мискинбечораларники эди. Бас, мен уни айбли қилиб қўймоқчи бўлдим.(Чунки) уларнинг (кемадагиларнинг) ортида (кўзлаб кетаётган манзилларида) барча (бутун) кемаларни талонтарож қилиб, тортиб олгувчи бир подшоҳ бор эди.**

**Ҳалиги боланинг эса ота-оналари мўмин кишилар эдилар. Бас, биз у (*бола*) туғён ва куфр билан уларни қийнаб қўйишидан қўрқдик.**

**Шу сабабдан, уларга Парвардигор (*бола*)дан кўра покизароқ, ундан кўра меҳрибонроқ (*бошқа бир болани*) бадал-эваз қилиб беришини истадик.**

**Энди девор эса шу шаҳардаги икки етим боланини бўлиб, унинг остида улар учун бир хазина бор эди. Уларнинг оталари жуда яхши киши эди.**

**Бас, улар вояга етиб, парвардигорингнинг раҳматмарҳамати бўлмиш хазиналарини чиқариб олишларини Парвардигоринг ирода қилди.**

**Мен бу (*ишиларнинг биронтасини*) ўз-ўзимча қилганим йўқ. Мана шу сен сабр қилишга тоқатинг етмаган нарсаларнинг таъвилидир».**

Аллоҳ таоло илмини қамраб олишга ҳеч ким қодир эмаслигини Мусо алайҳиссалом тушунди. Унинг баъзи илмлари баъзи кишиларда. Ва яна баъзилари (бошқа) баъзи кимсалардадир.

Хар қандай илм әгаси устида барча нарсадан огох Аллох туради.

## 20

## بنو إسرائيل بعد موسى

وَتُؤْفَنِي مُوسَى وَبَنُو إِسْرَائِيلَ يَتَهَوَّنُ فِي الْأَرْضِ عَقَابًا مِنَ اللَّهِ وَجَزَاءً أَعْمَالَهُمْ. وَضَرَبَ اللَّهُ عَلَيْهِمُ الذِّلَّةَ وَالْمَسْكَنَةَ وَبَاءُوا بِعَصْبَ مِنَ اللَّهِ. إِنَّهُمْ قَدْ أَسْخَطُوا اللَّهَ الَّذِي جَعَلَ فِيهِمْ أَنْبِيَاءً، وَجَعَلَهُمْ مُلُوكًا، وَآتَاهُمْ مَا لَمْ يُؤْتَ أَحَدًا مِنَ الْعَالَمِينَ فِي عَصْرِهِمْ. الَّذِي أَنْجَاهُمْ مِنْ آلِ فِرْعَوْنَ يَسُومُ نَهْمَ سُوءَ الْعَذَابِ يُدَبِّحُونَ أَبْنَاءَهُمْ وَيَسْتَحِيُونَ نِسَاءَهُمْ.

الَّذِي فَرَقَ بِهِمُ الْبَحْرَ فَأَنْجَاهُمْ وَأَغْرَقَ آلَ فِرْعَوْنَ وَهُمْ يَنْظُرُونَ. الَّذِي ظَلَّلَ عَلَيْهِمُ الْغَمَامَ وَأَنْزَلَ عَلَيْهِمُ الْمَنَّ وَالسَّلَوَى. الَّذِي فَجَرَ لَهُمْ مِنَ الْأَرْضِ عِيُونًا، وَوَسَعَ لَهُمْ فِي مَأْكَلٍ وَمَشْرَبٍ. وَكَانَ جَزَاءُ كُلِّ ذَلِكَ أَنْ كَفَرُوا بِآيَاتِ اللَّهِ وَعَصَوْا وَاعْتَدُوا.

وَأَغْضَبُوا تَبِيَّهُمْ مُوسَى أَشْفَقَ خَلْقَ اللَّهِ عَلَيْهِمْ وَأَشْفَقَ عَلَيْهِمْ مِنْ آبَائِهِمْ وَأُمَّهَاتِهِمْ. ذَلِكَ الَّذِي كَانَ يَحْنُو عَلَيْهِمْ حُنُونَ الْمُرْضِعِ عَلَى الْفَاطِمِ وَالْأَمْ الْحَنُونِ عَلَى الْيَتَيمِ.

ذَلِكَ الَّذِي سَبُوهُ دَعَا لَهُمْ وَكُلُّمَا ضَحِكُوا عَلَيْهِ بَكَى لَهُمْ وَكُلُّمَا جَفَوْهُ رَثَى لَهُمْ. ذَلِكَ الَّذِي خَلَصَهُمْ مِنْ أَسْرِ فِرْعَوْنَ وَأَخْرَجَهُمْ مِنْ سِجْنِ مِصْرَ إِلَى بَرِّ الْحُرْيَةِ وَالشَّرَفِ، وَمِنْ حَيَاةِ الْعَبِيدِ الْأَشْقِيَاءِ، إِلَى حَيَاةِ الْأَحْرَارِ الشُّرَفَاءِ.

قَدْ أَغْضَبُوهُ وَآذَوهُ وَعَانَدُوهُ وَسَخِرُوا مِنْهُ وَجَعَلُوهُ أَهْوَانَ رَجُلٍ فِيهِمْ وَكَانَ عِنْدَ اللَّهِ وَجِيهًا.

أَلَا يَسْتَحِقُونَ هَذَا الْعِقَابَ وَالْجِزْيَ وَالذُّلُّ وَالْمَسْكَنَةَ وَالْتَّيَّةَ الدَّائِمِ وَأَلَا يُفْلِحُوا أَبَدًا؟

بَلَى! إِنَّهُمْ يَسْتَحِقُونَ كُلَّ ذَلِكَ وَأَكْثَرَ بِأَعْمَالِهِمْ:

(وَمَا ظَلَمَهُمُ اللَّهُ وَلَكِنْ أَنْفُسُهُمْ يَظْلِمُونَ) {آل عمران - 117}.

## **Бани Исроил Мусо алайҳиссаломдан кейин**

Бани Исроил қилмишига яраша жазо олиб сахрода улоқиб юрганида, Мусо алайҳиссалом вафот этди.

Аллоҳ таоло уларга хор-зорликни зарб қилиб қўйди. Улар Аллоҳ ғазабига учрадилар.

Парвардигори олам Бани Исроилга ўз даврида ҳеч кимга берилмаган неъматларни берганди. Уларни ҳукмрон қилиб ҳамда ораларидан пайғамбарлар чиқарган эди.

Фиръавн бани Исроилни даҳшатли азобларга соларди. Эрларини ўлдириб, аёлларини тирик қолдиради. Аллоҳ таоло уларни Фиръавн оиласи зулмидан қутқарди.

Денгизни ёриб уларга йўл очди. Кўз ўнгиларида Фиръавн ва унинг яқинларини ғарқ қилди.

Бани Исроил устига булатларни соябон этди. Осмондан шириналар ва бедана гўшти ёғдирди.

Ерларида зилол булоқларни оқизиб қўйди. Ейиш-ичишлирини кенг қилди.

Мана шу неъматларнинг барчасига улар куфр билан, исён билан жавоб бердилар.

Бани Исроил уларга энг кўп ачинадиган пайғамбарлари Мусо алайҳиссаломни ҳам дарғазаб қилишди.

Йўқса Мусо уларга ота-оналаридан ҳам меҳрибонроқ эди.

Эмизувчи аёл эмизищдан чиқаргандаги меҳрибонлиги каби ёки меҳрибон она етим гўдаги атрофида парвона бўлгани каби Мусо ҳам Бани Исроилга парвона эди.

Уни ҳақорат қилсалар, уларни дуо қиласарди. Устидан кулсалар, уларга ачиниб йигларди. Ҳар қанча озор берсалар ҳам уларга қайғуради.

Фиръавн қуллигидан, Миср зиндонидан, бадбаҳт қуллик ҳаётидан уларни озодликка, ҳур инсонлар ҳаётига олиб чиққанди.

Аллоҳ олдида эътиборли бўлган Мусо алайҳиссаломни ўзларича паст кўрар, масхара қиласар, озор берар ва қайсарлик қиласардилар.

Мана шундай қавм хорликка, азобга, доимий адашиб-улоқишига ва абадий муваффақият қозонмасликка лойик эмасми?!!

Ҳа, улар ўзларининг қилмишлари сабабли бундан ҳам қаттиқроқ жазога лойиқлар.

**«Аллоҳ уларга зулм қилмади. Ва лекин улар ўзларига (ўзлари) зулм қилдилар».**